Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 8 (4563) // 2020-yil 21-fevral

Бадиий публицистика кенгаши:

ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР

Муҳтарам Президентимиз ҳар бир чиқишларида журналистларни алоҳида тилга олиб, уларни фаолликка даъват этиб келмоқдаки, “Замон очиқчасига гаплашишни талаб қилянти”, “Умумий гаплар замони ўтиб кетди”, “Оқни оқ, қорани қора дейдиган вақт келди”, “Адолатга ишонч энди шамчироқдай пайдо бўлянти” каби ҳикматли сўзлари қалам аҳли учун ўзига хос дастуруламалга айланган. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман”, деган сўзлари қалам аҳлини янада руҳлантириб юборди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадиий публицистика кенгашининг 2019 йил якунлари ҳамда жорий йил режаларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма аъзолари, ёзувчи, шоирлар, адабиётшунослар, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбекистон овози”, “Адабиёт зиёси”, “Адолат”, “Ишонч” газеталари муҳаррирлари ҳамда бошқа ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ҳисобот даврида чоп этилган газета-журналлар ва электрон сайтларда эълон қилинган публицистик мақолалар, тўпламлар ўрганилиб, мазкур уч йўналишда тайёрланган маърузалар тингланди ва қизғин муҳокама қилинди.

2019 йил давомида бадиий публицистика кенгаш аъзолари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Минск шаҳрида ўтказилган “Ёзувчи ва давр” халқаро анжуманида Кенгаш раиси Аҳмаджон Мелибоев иштирок этиб, Ўзбекистондаги адабий жараён, юртимизда давлатимиз томонидан ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар, яратилаётган янги асарлар, уюшманинг халқаро алоқалари борасида маруза қилди.

►2

ШЕЪРИЯТ КЕНГАШИДА

Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгашида 2019 йил давомида чоп этилган шеърий асарлар таҳлилига бағишлаб ўтказилган ҳисобот йиғилишида шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди. Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Нодир Жонузоқ очди ва кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ўтган йилда амалга оширилган тадбирлар, чоп этилган китоблар ҳақида сўзлади. Филология фанлари доктори Жаббор Эшонқул 2019 йилда нашр этилган шеърий тўпламлар, филология фанлари номзоди Каромат Муллахўжаева газета ва журналларда эълон қилинган шеърий туркумлар, адабиётшунос Мусулмон Намоз достонлар ҳақида маърузалар қилишди.

2019 йилда китобхонлар эътиборига ҳавола этилган Дилбар Ҳайдарованинг “Қуёш сонатаси”, Шарифа Салимованинг “Бедор тун томчилари”, Туроб Ниёзнинг “Мен юрган йўл”, Муҳайё Мирсаидованинг “Руҳ илтижолари”, Ҳуршид Нуриллаевнинг “Беш фасл ва юрт васфи” сингари китоблари тақдимоти ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, маърузада Сирожиддин Саййид, Ўткир Раҳмат, Маҳмуд Тоир, Зулфия Мўминова, Абдулҳай Носир, Ўктам Мирзаёр, Нодира Абдуллаева, Фароғат Худойқулова ва бошқа шоирлар янги китоблари мазмун-моҳиятига таҳлилий баҳо берилди.

Филология фанлари номзоди Каромат Муллахўжаева “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталари ҳамда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида мухлислар эътиборига ҳавола қилинган шеърий туркумларга тўхталиб, устоз адиблардан тортиб ёш қаламкашларгача икки юздан зиёд ижодкорнинг шеърлари билан танишганини, матбуот саҳифаларида ёшлар ижодига, янги овозларга кенг ўрин ажратилаётганини таъкидлади. Маърузачи шеърий туркумларни таҳлил қилиб, уларни бағишлов, мадҳ этувчи ва кўнгил шеърларига ажратган. Таниқли ижодкорлар Гулчеҳра Жўраева, Қутлибека Раҳимбоева, Абдували Қутбиддин, Ҳалима Аҳмедова, Зулфия Мўминова, Баҳриддин Садриддинов ва бошқаларнинг шеърий туркумларидаги ўзига хосликларни ижобий баҳолаган. Шаҳриёр Шавкат, Маҳфуза Имомова сингари кўплаб ёшлар машқларида ўқувчини ўзига тортадиган янги тажрибалар кўзга ташланаётганини маъқуллаган ҳолда ёшларнинг кўпроқ китоб ўқишини, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишини тавсия қилган. Маърузачи айрим ёшларнинг тақлид йўлидан бораётгани, устозлардан ортиқча таъсирланиш натижада сатрларни кўчириб олиш ҳолатлари кузатилганини мисоллар билан келтирган.

Адабиётшунос Мусулмон Намоз ўтган йили эълон қилинган достонлар ҳақидаги маърузасида Саъдулла Ҳакимнинг “Юрт ўғлони”, Икром Отамуроднинг “Ишора”, Зулфия Мўминованинг “Юрагида анор гуллаган аёл”, Ойдиннисонинг “Авф” достонларига кенгроқ тўхталиб, кейинги йилларда достонлар кам ёзилаётгани, замонавий достончилигимизнинг ўзига хосликлари, айниқса, бу жанрдаги айрим асарларда публицистик руҳ кучайиб бораётганини таъкидлайди.

Муҳокамада сўзга чиққан шоирлар Абдулла Шер, Берди Раҳмат ва бошқалар йиллик ҳисобот йиғилишларида талабчанликни янада кучайтириш, ёшлар ижодига, шунингдек, Интернетда эълон қилинаётган шеърларга ҳам ўз ўрнида баҳо бериш лозимлиги ҳақида таклиф киритишди.

Йиғилиш якунида Шеърият кенгашининг 2020 йилги фаолиятига оид режалар келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

БАҲОР

Адашиб келиши мумкиндир, балки,
Темир излардаги қаторлар.
Қуёш чарақлаши мумкин адашиб,
Адашиб ёғиши мумкиндир қорлар.

Не балосиз ўзи, қандай офатсиз,
Муз каби совуқ ва оташдек ёниқ.
Сизни севиб бўлар, тушуниб бўлмас,
Мажнундек телбасиз, Суқротдек аниқ.

Ном-нишон йўқ сизда кибру ҳаводан,
Лекин кўп мағрурсиз, азизим.
Сўрамайсиз ҳеч вақт келганда рухсат,
Сўрамайсиз ҳеч вақт кетганда изн.

Доно бўла туриб телбасиз,
Телба бўла туриб доносиз.
Сизга таклифнома битмоқчи эдим,
Ўйлаб кўрсам, бу иш маъносиз.

Сизнинг халоскор бор, иродангиз бор,
Хоҳишингиз бордир, енгилмас сизнинг.
Ҳар йили келасиз ғазабларидан
Тап тортмай аёвсиз аямажузнинг.

Келасиз ваъдасиз, келасиз онтсиз,
Миннат ҳам қилмайсиз ёндим деб дардда.
Ҳар йил ташрифингиз мукаррар сизнинг
Биринчи мартда!

ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

Сурхондарёда адабиёт шамоли қандай эсаянти? Айтсам ҳам, айтмасам ҳам ҳамма билади, улкан-улкан адабиёт “дарахтлари”нинг ўқ илдизлари шу тупроқда. Улуг шоиримиз Абдулла Орипов Термизга келганларида айтган эдилар: — Навоий вилоятида олтин кони бор, Сурхондарёда истеъдодлар кони бор.

Ўтган 2019 йил Сурхондарё учун адабиёт йили бўлди. Олтинсойда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод гузари очилди. Шу пайтгача Сурхондарёда адиб номидаги биронта гузар ҳам, боғ ҳам, хиёбон ҳам йўқ эди. Тошкентдан ижодкорлар дарёланиб келишди. Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Ҳуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақул, Тоғай Муроднинг рафиқаси Маъсума Аҳмедова, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира ас-Салом Термизга келганида талабалар қувониб карши олишди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали директори Қаюм Боймиров адабиётнинг фидойиси экан. Ҳамма томонда китоблар. Домлаларнинг ҳам кўпи шоир. Адабиётдан гурунг кетса, ҳамма оташланади. Энг янги, энг кучли китоб ҳақида фикр билдиради.

Ижодий кечада шеърлар ҳам, сўзлар ҳам Тоғай Мурод асарлари, ҳаёти ҳақида борди. Хотиралар жонланди. Олтинсойда адиб гузарининг очилишини эшитиб, Термиздаги Афғон фуқароларини ўқитиш маркази талабалари директорларини қўярда-қўймай: “Биз ҳам, борайлик.Тоғай Муроднинг асарларини ўқиганмиз. У киши жаҳоний ёзганлар” деб илтимос қилишибди. Олтинсойликлар оламга сиғмадилар. Афғонистондаги ўзбекларнинг сўзларини ғурурланиб эшитдилар.

2019 йилда дунёнинг нигоҳи яна бир бор Сурхондарёга, Термизга қаратилди. Жаҳоннинг етмишта давлатидан бахшилар келди. Ўзбекистон шоирлари Термизда тўпландилар. Бахшилар баҳси шоирлар мушоираси, китоблар байрами, бир-бирига уланиб кетди. Ўша кунлари Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Сирожиддин Саййид шу ерда бўлди. Шоирлар бахшиларни шошириб қўйди. Бахшилар ҳам шоир-да, шеърлар шеърларга қўшилиб жўшқинланди. Халқаро бахшичилик санъати фестивали Термизни ҳам, Ўзбекистонни ҳам шеър ва дўмбира оҳангларига буркади.

Президентимизнинг беш ташаббуси тафаккурларни ёрқинлаштирди. Ижод аҳли кўлида, дилида китоб билан ёшлар сари интилди. Сариосиёдаги 45-мактабда Сирожиддин Саййид кутубхонаси очилди. Ёшларга тариху тафаккур, шукронаи ташаккур, тахайюлу тасаввур китоблари совға қилинди. Тумандаги мактабларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фондининг китоблари тухфа этилди.

Ижодкорларимиз йил давомида ўқувчилар, ҳарбийлар, талабалару ишчилар, ёшлару кексалар билан доимий мулоқотда бўлдилар. Рақамлар тили билан айтганда, бир йилда 610 тадан зиёд тадбирлар амалга оширилди.

Ҳарбий қисмлардаги ижодий учрашувлар гоҳ чегарчилар ҳузурида, гоҳ аскару зобитларнинг оилаларида ўтказилди.

Президентимиз Сурхондарёда бўлганларида, ҳарбийлар орасида 5 ташаббус руҳида, китобхонлик, бахшичилик, от спорти, тасвирий санъат ва спорт бўйича танлов ўтказилишини айтган эдилар. Танловга 10 миллион сўмгача бўлган совға-мукофотлар қўйилди. “Алпомиш”дан “Темур тузуклари”гача қанчалаб китоблар ўқилди, бу борада ҳарбийлар адибларни ҳам лол қолдирди.

Ёш ижодкорларга эътибор тубдан ошди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида вилоят ҳокимликларига уюшманинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш, айниқса, шу ҳудуда яшаётган уюшма аъзолари ва ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган эди. Шу маънода айни кунда вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлови билан Сурхон ёш ижодкорларининг биринчи анжумани ўтказилди. Шерободда болалар оромгоҳида ёш шоир ва ёзувчиларнинг мушоираси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарёнинг 40 нафар ёш қаламкашлари қатнашди. Тоғ бағрида адабиёт булоқлари кўз очди.

Бўлимимиз томонидан “Қумқўрғоннинг ёш ижодкорлари” деган китоб чоп этилди. Қумқўрғон ҳокимлиги ҳомийлигида чиққан тўпламга 50 нафар ёш истеъдодларнинг асарлари киритилди. Сурхондарёлик ижодкор Шафоат Раҳматулла Термизийнинг китобини нашр этишга киришилди. Бунга шоирнинг рафиқаси Хосият момо яқиндан ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга шоир Теша Сайдалиевнинг сайланма китоби ҳам тайёрланмоқда. Тошкентдаги “Тамаддун” нашриётида республика кўрик-танловида “Йилнинг энг истеъдодли ёш шоири” номинациясини олган Шаҳрибону Турсунова, Зомин семинари қатнашчиси Малоҳат Нуриддинова, “Йилнинг энг истеъдодли ёш шоири” кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиби Лобар Бердиева ҳамда Зомин семинари иштирокчиси Гулмира Абдураимованинг китоблари чоп этилди.

Вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда таниқли адиблар Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Озод Авлиёқуловни хотирлаб кўрсатувлар эфирга узатилди. Айни кунларда таниқли адиба Жамила Эргашева хотирасига бағишланган кўрсатув тайёрланмоқда. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошида адабий клуб фаолият олиб бормоқда. Уларга 52 нафар ёш истеъдодлар жалб қилинган. Албатта, бажарилган ишлар салмоқли, лекин қиладиган юмушларимиз анчагина. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили ҳам Сурхондарё учун катта адабиёт анжуманлари, байрамлар йили бўлади.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

Бадиий публицистика кенгаши:

ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР

Бошланиши 1-саҳифада.

— 2019 йилда давр талабига мос бир қатор бадиий публицистик асарлар яратилди, — дейди А.Мелибоев. — Жумладан, Мурод Абдуллаевнинг "Қафасдан озод бўлган қуш", Зуҳра Эшонқулованинг "Мўъжизалар диёрида", Жовли Хушбоқнинг "Ёнаётган юрак", Абдукамол Раҳмоновнинг "Маънавиятнинг етти хазинаси" номли публицистик мақолалар тўпламлари тайёрланиб, нашрга тавсия этилди. "Адиб ва жамият" рукнида Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Соҳибқиронни англаш", Муҳаммад Алининг "Келажак бугундан бошланади", Ҳаким Сатторийнинг "Тароват" номли бадиий публицистик китоблари, Зулфия Мўминованинг "Буюк уйғониш" лиро-эпик қиссаси, Абдусаид Кўчимовнинг "Буни ҳаёт дейдилар" эсселар тўплами нашрдан чиқарилди.

Шунингдек, Кенгаш томонидан Республика "Маънавият" тарғиботчилар жамияти ва Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Жонажон Ўзбекистон, мангу бўл омон" бадиий публицистик мақолалар танловига келган йигирмадан ортиқ ишлар кўриб чиқилди ва олти нафар муаллиф мукофотга тавсия этилди.

Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинарида ҳам Бадиий публицистика кенгашининг ўрни катта бўлди. Бу жараёнда ангренлик Отабек Бакиров, фарғоналик Мадаминжон Солижонов, хоразмлик Гулрухсор Шержонова каби 9 нафар ёш ижодкорнинг публицистикадаги ўзига хос услублари кўзга ташланди. Ўтган 2019 йил давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан 30 нафардан ортиқ адиб юртимизда амалга оширилган янгиланишлар, ўзгариш ва юксалишлар, замонамиз қаҳрамонига айланаётган фидойи инсонлар ҳаёти ва иқтисодимиз ривожига катта улуш қўшаётган замонавий корхоналар фаолияти тўғрисида очерклар, мақолалар ёзиш учун ижодий сафарларда бўлдилар.

Йиғилиш давомида ўтган 2019 йил публицистлар учун катта ижод майдони бўлгани таъкидланди. Бироқ бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмагани, ёритилмаган мавзулар кўплиги, бугунги тараққиётни асослаб кўрсатиб берадиган бадиий публицистик асарлар камлиги айтилиб, фаолиятга танқидий баҳо берилди. "Биз ижодкорлар, гўё дастурхондаги таомларни мақташда анча илғормиз. Аммо қозондаги масалликлар миқдори ва сифати талаб даражасида эмаслигини кўра-била туриб, ўзимизни гўё билмаганга солаётгандекмиз. Танқид ва таҳлил тугул, ҳатто холис таклиф билдиришга ҳам журъат этмаяпмиз", деди Кенгаш раиси.

Шунингдек, ҳисобот йиғилишида "Шарқ юлдузи" ва "Звезда востока", "Жаҳон адабиёти", "Саодат", "Ёшлик" каби журналлар ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат", "Ҳуррият", "Китоб дунёси", "Адолат", "Ишонч" газеталарида чоп этилган публицистик мақолаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди. Газета ва журналларнинг обуна сонини кўпайтириш, бунинг учун эса, жумладан, тезкор ва холис бўлиш, долзарб мавзуларда қалам тебратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда А.Мелибоев жорий йилдаги режалар билан ўртоқлашди. Ўз навбатида мажлис қатнашчилари ҳам олдиндаги устувор вазифалар хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳисобот йиғилиши якунида Бадиий публицистика кенгашининг 2020 йилдаги фаолиятига оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЖЎШҚИН ИЖОДИЙ ЖАРАЁН

Ўтган 2019 йил публицистларимиз учун ҳам сермавзу келди. Улар узоқ Мўйноқдан тортиб Фарғона водийсининг чекка қишлоқларигача ижодий сафарларда бўлишди. Навоийнинг олис Томдисидан Сурхондарёнинг чегара сарҳадларигача етиб боришди. Хорижий мамлакатларда бўлиб, адабий алоқаларни мустаҳкамлашди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида туркум асарлар, жамоавий тўпламлар яратилди.

Албатта, эришилган муваффақиятлар ўзимизники. Очиғини айтганда, шунча ҳаракатларга қарамай давр шиддати билан изма-из бораяпмиз, дея олмаймиз. Айниқса, даврдан ортда қолиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳиятини, буюк янгиланишлар шиддатини ўз асарларимизда етарли даражада кўрсата олмаётганимизда кўринади. Бу, айниқса, бадиий публицистикада тез кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр барча соҳаларда туб ўзгаришларга бой бўлди. Масалан, пойтахтимизнинг Сергели туманини олайлик. Қатор саноат корхоналари, йўллар, кўприклар, Марказий Осиёда тенги бўлмаган очиқ метро линияси кўз ўнгимизда бунёд этилмоқда. Туб ўзгаришларни ўз вақтида ёритиш, уларни тарих зарварақларига муҳрлаш бугунги ижодкорларнинг иши. Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида, ундан аввалги қарорларида, қолаверса, видеоселекторларида ҳам кўп бора таъкидланган, бугунги кунда жамият ривожига тўғоноқ бўлаётган коррупцияга қарши муросасиз кураш бошланганини эътироф этишимиз лозим.

Бу мавзу ҳозиржавоб ёзувчиларимизнинг назаридан четда қолмади. Мен шу ўринда таниқли публицист, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида умрининг энг сара йилларини ўтказган марҳум ёзувчимиз Мурод Абдуллаевнинг "ЎзАС" ўтган йил 11 январь сонида чоп этилган "Илдизга қурт тушса" деб номланган публицистик мақоласини мисол тариқасида келтирган бўлардим. Унда таълим соҳасидаги коррупцион ҳолатга урғу берилган. Соҳа мутасаддилари мактаб ўқувчиларининг билимини оширишга асосий эътибор қаратиш ўрнига, кўпроқ пул йиғишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топишга берилиб боришаётгани фактлар билан асосланган.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан инсон қадрини ўз ўрнига қўйиш, жазо муддатларини ўташ жараёнида ўз қилмишларидан астойдил пушаймон бўлган аёллар, ёшларни авф этишдек эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилда ҳам юзлаб одамлар ўз оилалари бағрига қайтди. Таниқли ёзувчи Сафар Остоновнинг "Ўзбекистон овози" газетасининг 2019 йил 15 октябрдаги "Қамоқдан озод этилсин" деб номланган суд очеркида айнан шу йўналишдаги ишларнинг самараси ҳақида фикр билдирилган.

Газетанинг ("ЎзАС") биринчи февралдаги 5-сонида Мурод Абдуллаевнинг "Оролнинг яшил қалқони" деб номланган публицистик мақоласига тўхталиб ўтиш жоиз. Орол бўйидаги минтақани яшил зонага айлантириш, экологик муҳитни тиклаш масаласи бугун ҳам долзарб. У ерда саксовулни уруғидан кўпайтириш, уни маданий экин сифатида экиш йўлларини излаш, бу ишга қалб қўрини бераётган замондошларимизнинг портретига чизгиларни ўша мақолада кўрамиз, улар билан суҳбатлашгандай бўламиз.

Орол бўйига сафар қилган журналист ушбу мавзуни давом эттирди ва газетанинг 8-сонида унинг "Буюк сафарбарлик" мақоласи чоп этилди. Шунингдек, унинг "Эко шаҳар – барқарор шаҳар" мақоласи ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Газета таҳламларини варақлаганда, таниқли ёзувчи Алланазар Эгамназаровнинг Иккинчи жаҳон уруши, ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ёзган туркум публицистик мақолаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Занги ота туманидаги Хонобод қўрғонида яшаб ўтган, беш норғул ўғлидан айрилган муштипар она Зулфия Зокирова ҳақидаги "Она матонати" мақоласида келтирилган воқеаларни Президент Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида эслаб ўтдилар:

«Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуғ зот – онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир. Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топилади.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз".

Газетанинг ўша сонида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "20 миллион, 30 миллион, 100 миллион" деб номланган бадиий публицистик асари бу йил 75 йиллиги нишонланадиган Буюк Ғалаба олдидан ҳарбий мавзуга бағишланган яна бир тухфа бўлди, десак арзийди. Унда муаллиф "Отам ва Иккинчи жаҳон уруши" китобидан олинган парчаларда иккинчи жаҳон уруши асоратларини дард билан, ўртаниб ифодалайди. Таниқли адиб Қўчқор Норқобилнинг "Осмонни титратган оғриқлар" ("ЎзАС" 2019 йил 5 июль сони) мақоласи ўзининг дардчиллиги билан ажралиб туради.

Ўтган йили "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг деярли ҳар бир сонида "Беш муҳим ташаббус"га бағишланган катта-кичик туркум публицистик мақолалар эълон қилинди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталиқни сақлаш ва бу йўлда олиб борилаётган одилона сиёсат, адабиётимизнинг бундан кейин ҳам бош мавзуларидан бўлиб қолади. Бу ҳақда ёзувчиларимиз кўп чиқишлар қилишди. Хусусан, Мунаввара Усмонованинг "Юрагингда юртга меҳр гули унсин!" ("Ўзбекистон овози" газетаси, 2019 йил 15 октябрь сони) деб номланган публицистик мақоласининг бадиий таъсирчанлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамадали Маҳмудовнинг "Ишонч" газетасидаги туркум эсселари, Зулфия Мўминованинг жўшқин мақолалари бугунги публицистикамизнинг ёрқин намуналари эканини қайд этиш жоиз.

Таниқли ёзувчи Ўрозбой Абдурахмоновнинг мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги бунёдкорликлар қаламга олинган "Юлдузларга етгунча" мақоласи "Ўзбекистон овози" газетасининг 2019 йил 3 сентябрь сонида эълон қилинди. Адиб 1966 йилларда Тошкентда ўтган талабалик йилларини, 22 апрелдаги мудҳиш зилзила оқибатларини эсга олади ва бугунги кунда пойтахтимизда қад ростлаган, эл орасида "Тошкент сити" номи билан машҳур бўлган замонавий бунёдкорликлар ҳақида мушоҳада юритади. Айнан шу мавзуда "ЎзАС"нинг 2019 йил 14 июнь сонида ижодкор Дилшод Исроиловнинг "Тошкент сити: келажакка юз тутган пойтахт" деб номланган публицистик мақоласи ҳам "Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан" рукни остида эълон қилинди. Бу каби долзарб чиқишлар Ижод мактаблари фаолияти ҳақида ҳам кўп бўлди. Таниқли шоир ва ёзувчиларимиз Нодир Жонузоқ, Ғайрат Мажид, Энахон Сиддиқова, Рустам Мусурмон, Воҳид Лукмоннинг чиқишларида ҳам давр нафаси уфуриб турди. Менгнор Олломуродовнинг "Шарғун шуҳрати", Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Сардобанинг мовий гавҳари" публицистик мақолалари "ЎзАС" саҳифаларини безаган бўлса, ёзувчи Султонмурод Олимнинг "Ўзбекистон овози" газетасининг 2019 йил 17 сентябрдаги "Ривожланаётган Ўзбекистон" деб номланган туркум мақолалари, Ҳаётхон Ортиқованинг мазкур нашрда эълон қилинган "Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан" деб номланган публицистик чиқишлари мамлакатимизда "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" каби давлат дастурларининг амалга ошириш жараёнлари ҳақида бўлди.

Шунингдек, "21 аср", "Ишонч", "Оила даврасида" каби бир қатор нашрларда ёшлар мавзуси ҳам устуворлик қилди. Бу борада уюшмамизнинг ёш ижодкорлар фаолиятига бўлган эътибори, иқтидорли ёшларни қизғин ижод майдонига чорлашда Зоминнинг хушманзара "Ўриклисой" оромгоҳида ўтказилган ёш ижодкорларнинг анъанавий республика семинари ва унинг фаолиятини ёритишда "Китоб дунёси", "ЎзАС" газеталарининг, албатта, алоҳида ўрни бор. Хусусан, "ЎзАС"нинг 2019 йил 5 июлдаги 27-сонида "Ҳеч ким истеъдодсиз туғилмайди" деб номланган қўш саҳифа материаллари, газетада эълон қилинган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг "Зомин ёшлари" манзумаси ана шу мавзунинг давоми бўлди.

Биргина мақолада юртимиз даврий матбуотида эълон қилинаётган бадиий публицистик чиқишларни батафсил ёритишнинг имкони йўқ, албатта. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий публицистика кенгашининг иши ҳамиша қизғин ва ранг баранг бўлган. Бунда Иброҳим Ғафуров, Анвар Обиджон, Сайди Умиров, Хуршид Дўстмуҳаммад, каби юрагида давр билан ҳамнафаслик балқиб турган барча устозларнинг фаол иштироки келгусидаги фаолиятимизга ҳам умид боғлайди.

Ў. ХАЙРУЛЛАЕВ

ПУБЛИЦИСТИКАМИЗ "ОҚСОҚЛАНИБ" ҚОЛМАЙДИ...

Қалбга муҳрланадиган бадиий асар ҳар куни пайдо бўлавермайди. Юксак бадиий маҳорат билан яратилган асар мангу яшайди. Ўтган аср бошидан 2015 йилгача яшаб ижод қилган ўнлаб ёзувчи, шоирларимизнинг дурдона асарларидан баҳраманд бўлмаган ўқувчи топилмаса керак.

Ижод бўстонининг сўнгги 30 йилини таҳлил қиладиган бўлсак, бадиий адабиётимиз "оқсоқланиб" қолгани сезилмади. Сабаби оддий: бирор эътибор қозонадиган асар пайдо бўлгунига қадар атоқли ижодкорларимизнинг китоблари қайта-қайта чоп этилаверади, асарлари газета-журналларда ҳам ёритилаверади.

Хўш, публицистикамиз-чи? Афсуски, бу соҳада ғурурланиб айта оладиган ишларимиз жуда кам... Тўғри, бадиий асар каби ижтимоий ҳаётда воқелик бўладиган публицистика ҳам ҳар куни пайдо бўлавермайди. Бу "бўшлик"ни тўлдириб турадиган катта хазинамиз борлигига деярли эътибор бермай келаяпмиз. Агар, ундан унумли фойдалана олсак, публицистикамиз ҳам ҳеч қачон "оқсоқланиб" қолмайди!

Айтайлик, буюк адиб Абдулла Қодирийнинг публицистикаси ўзига хос бир дунё. Энг муҳими, адибнинг мақолалари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Масалан, «Муштум» журналининг 1923 йил, 7-сонда Жулқунбой тахаллуси билан ёритилган "Биз ким ва нималардан кўрқамиз?" сарлавҳали мақоласини олайлик. Бугунги қунимиз учун ҳам нақадар долзарб ҳисобланган шу мақоланинг мағзини чақиб бера олсак, ўқувчи маънавияти қанчалик бойишини тасаввур этаяпсизми? Агар бу каби мақолалар, фельетонлар, памфлетлар газета-журналларда вақт-вақти билан қайта-қайта ёритиб борилса, ҳар даврнинг ўқувчилари қанчалик баҳраманд бўлишлари мумкин! Катта адабиёт ва публицистика ўзидан кейин шундай ижодкорлар авлодини улғайтиришга қодир бўлади. Катта адабиёт ва публицистикани ўқиб-ўрганмасдан туриб улкан ишларга қўл уриш мушкул, ҳатто самарасиз бўлиши мумкин...

Ўтган аср ўрталарида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва уларга издош авлод – Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Шукур Хомирзаев, Тоғай Мурод каби кўплаб улуғ ёзувчи, шоирларимизнинг долзарб мавзуларда ёзган мақолалари нега газета-журнал таҳламларида қолиб кетмоқда?.. Юқорида номлари тилга олинган ва бошқа атоқли ижодкорларнинг публицистикалари билан ёшларни ошно қилиб боришимиз зарур. Ахир, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, маънавий камол топтиришда публицистиканинг ўрни бадиий асарникидан юқорироқ турса турадики, асло кам эмас!

Сўнгги йилларда публицистикамиз қанчалик қашшоқлашиб кетганини бирорта жанр эътиборни тортадиган даражада "бўй кўрсатмай" қолганидан ҳам билсак бўлади. Ваҳоланки, Қодирий боболаримиз деарли ҳар бир ёзган битигининг жанрини очиқ-ойдин кўрсатганлар. Жанрни кўрсатиш – ўқувчи эътиборини тортишга ва унга руҳан таъсир этишга хизмат қилишини тўғри англамоқ керак.

Қовун қовунни кўриб ранг олади, деганларидек, бугунги ижодкорлар ҳам ўша публицистикалардан илҳом, руҳий қувват олиши табиий. Ижодкор устозларнинг публицистикаларини такрор-такрор мутолаа қилиш ҳам биз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎзМУ Журналистика факультети кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент

Ҳозир ахборот асрида яшаётганимиз ва ахборот билан таъминлаш ҳамда таъминланиш манбалари жуда кўпайиб кетаётгани ҳақида етарлича гапирилмоқда. Бу эътирофлар айни ҳақиқат эканини тасдиқлаш учун кейинги бир йилда фейсбук, инстаграм сингари ижтимоий тармоқларнинг маърифат дунёсида қанчалик фаоллашганини ва блогерлар "эришган муваффақиятлар"ни кўз олдимизга келтириш кифоя. Тўғри, янги хабар эшитганимиз(ёки ўқиганимиз)да таъсирланамиз, бироқ эҳтиёжнинг бир тарафи қондирилмайди: нимага бундоқ бўлибди, деган саволга жавоб йўқ. Бунга ахборот маконининг имконияти чекланган, жой тор, вақт зиқ. Нима бўлганда ҳам янги ахборот олганимизда кўпинча: "Нега, наҳотки, оқибати нима бўлади?" сингари саволларга жавоб топиш қийин ёки умуман имконсиз. Гўё кимдир хас капага ўт қўйиб қочди-ю, изини қумга солиб кетди. Ҳолбуки, қизиққон табиатли инсон ҳаммасига жавоб олишни истайди. Ана шу зарурий хизматни ОАВнинг бошқа бир баҳодир кўриниши – ЖУРНАЛлар бажариши лозим. Бу соҳа тарихига назар солинганда ҳам газетада бирор шов-шувли хабар берилгач, "Шарҳини журналимизда ўқийсиз" сингари эскартишлар илова қилинганини кўрамиз.

ТАҲЛИЛ МАЙДОНИ

керак... ми? У ёрдамга муҳтож!

Шу нуқтаи назардан республикамизда нашр этилаётган журналларнинг айримларини кўздан кечиришга тўғри келди. Қўйилган вазифа – айни шиддаткор давримизда ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга журналларда чуқур таҳлилга асосланган мақолалар бериб борилаяптими? Ёки камдан-кам учраса-да, баъзи салбий ҳолатларнинг илдизи очиб берилаяптими, тарзидаги саволларга жавоб топиш эди.

Баъзи журналлар (олайлик, "Маънавий ҳаёт" ёки "Гулистон") шундай безатилганки, уларни томоша қилиб тўймайсан киши. Шунда юртимизда полиграфия саноати дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторига чиқиб олганига тан берасан. Асосийси – мавзулар эса "баҳоли қудрат" дегандек, бугуннинг шукуҳидан келиб чиқиб ёритилган.

Агар гап журналхонларни бефарқ қолдирмайдиган, оддий қилиб айтганда, излаб топиб ўқиладиган мақолалар берилгани ҳақида кетганда, дастлаб "Жаҳон адабиёти" журналини эътироф этиш лозим. Журналнинг ўтган йилги сонларида ўнга яқин долзарб мавзулардаги чиқишлар амалга оширилган. Яхши-да, ҳам журналнинг бугунги кун билан ҳамқадамлиги, ҳам ҳозиржавоблик, ҳам бурч ижроси таъминланган. Эътибор беринг, "Фикр – фаҳмлаш ибтидоси", "Тарих уммонидан қатралар", "Сувда оқиб келаётган пўстин", "Дадангмасман, Неъмат акангман", "Халқаро валюта жамғармаси: ким келди-ю, ким кетди?" сингари мақолаларнинг сарлавҳасиёқ нима тўғрисида гап кетаётганини кўрсатиб турибди. Уларнинг долзарблигини изоҳлаш ортиқча. Албатта, мақолалар кузатувчан ва тажрибали муаллиф томонидан ёзилган, далилларга бой.

Агар шу мезон билан бошқа журналларга назар ташласак, бундай фаоллик ва ҳозиржавоблик кўзга ташланмайди. Тўғри, "Тафаккур", "Саодат" журналлари ўз анъанасига эга, шаклланган салмоқли нашрлар, бироқ уларда мақаланинг кўпроқ илмий-назарий томонларига эътиборни қаратиш, унча ҳам кўпчилик тушунавермайдиган услубда фикр юритиш ёки эришилган муваффақиятлардан мамнунлик ҳисси бўртиб туради, бироқ ахборот олами буҳрон солиб турганда, унинг осмонида чарх уриб турган чин хабарлар билан ёлғон-яшиқ ёки уйдирма хабарларга ҳам муносабат билдириш заруратидан келиб чиқилса, журналларнинг бу масалада бетараф бўлиши маъқул ёндашув эмас. Ахир, кўп миллионли аҳоли тўғри, ҳақиқий ахборотни қаердан олади, воқеалар моҳиятини қандай тушунади?

Умуман, ахборот оламида таҳлилнинг ўрни катта. Қолаверса, "умри бир кунлик" бўлган газеталар ҳам таҳлил орқали умрбоқийликка ноил бўлади. Агар ахборотнинг ўқирман онгига таъсирини қузатсак, у қабул қилувчига худди чўғдек ёки отилган найзадек таъсир қилади. Баъзан шу таъсир бирданига акс таъсирга ҳам олиб боради: яқин кишисининг фожеасини эшиттан одам ўзини сувга ташлаш фикрига тушиб қолиши мумкин. Мабодо унга воқеанинг сабаби аниқ бўлса, хабарни сокин қабул қилади. Масалан, вирус тарқалган мамлакатдан қайтган киши эпедимиядан эмас, ис газидан вафот этганлиги етказилса, ҳар қандай ваҳиманинг олди олинади. Шунинг учун ахборотнинг таҳлили мулоҳазага олиб боради, мулоҳаза юритила бошландими, одам ҳовридан тушиб, ақлга қулоқ тутади. Агар нуқул ваҳимали ахборот оламида яшайдиган одам ўз хатти-ҳаракатини баҳолай олмай, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилса, таҳлил кишини мулоҳаза билан иш юритишга ўргатади. Бу ҳолни ҳозирги ёшлар ҳаёти мисолида аниқ кўриш мумкин. Ҳар қандай масалада биринчи таассурот қуршовида бўлиш туфайли оқибатини ўйламай, ажралишга шошишади ёки қандай тавқи-лаънатга қолишини билмай, отасига қўл кўтаради. Ҳолбуки, ақлга қулоқ тутишса, ўз қилиқларининг оқибатини тасаввур қилган ва шошмаган бўлишарди.

Журналлар фаолиятида иккинчи ачинарли ҳолат уларнинг адади кескин камайиб кетганида. Олайлик, "Ёшлик" журнали бир йил олдин 4235 нусхагача чоп этилган бўлса, ўтган йилнинг охирида 1250 тага тушиб қолган. "Саодат"да ҳам шундай антирекорд кузатилади – агар 2018 йилнинг бошида 5271 дона чоп этилган бўлса, ўтган йилги 8-сон 2449 та босилган. Бундай ҳолни бошқа нашрларда ҳам кузатиш мумкин. Ўйлантирадиган ҳолат: ҳар бир журнални тайёрлаш учун қанчалик меҳнат сарф бўлиши кўриниб турибди, улар яхши ният билан миллионлаб (!) кишиларнинг қўлига етиб боришга мўлжалланган. Ҳолбуки, уларнинг адади ҳатто республикадаги мактаблар сонича ҳам эмас. Оддий мулоҳаза: ана шундай нодир маънавият хазинаси, билим манбаи ҳисобланган журналлар нега ўқув юртларига етиб бормаяпти? Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод бўш вақтларида нималарни ўқишаяпти? Уларнинг баркамол улғайиши учун зарур бўлган омиллардан бири – вақтли матбуот билан таниниб бориши тўғри йўлга қўйилганми? Журналларнинг бундай ахволга келиб қолиши жамиятни безовта қиладиган далиллардан бири. Ахир, муҳтарам Президентимиз ёшларнинг камол топиши учун ҳеч нарсани аямаймиз, деб турган бир шароитда, спортни ривожлантириш учун миллиардлаб сўм маблағ сарфлаб турилганда, маънавиятнинг бу соҳасидаги ахвол ўта ташвишланарли. Ахир комил инсон жисмоний соғлом бўлиши билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши лозим.

Шу ўринда соҳа мутасаддиларига қатъи эътирозлар туғилиши табиий. Биз иқтисодий соҳадаги ютуқлар билан ҳақли равишда мақтанаяпмиз. Аммо кичкина силжиш ҳам ўз-ўзидан бўлиб қолмаслиги аниқ. Масалан, бир неча миллион долларлик комбинат қурган, юзлаб иш ўринлари яратган тадбиркор бунинг учун қанчалик заҳмат чеккани, тоғдек тўсиқларни енгиб ўтганини, турмушда карор топган иллатлар билан шердек олишганини кўз олдимизга келтирайлик. Энди ўз-ўзидан савол туғилади: журнал мутасаддиларида шундай фидойилик бўлганми? Масалан, ўз маҳсулотларининг заруриятини керакли жойларга тушунтира олганларми? Бозор иқтисодиёти шароитида биров бошқа киши учун ишламайди, ҳамма ўз вазифаси учун жавобгар. Балки "Ўзлари чақириб олишади" қабилидаги иззатталабликдан воз кечиб, тадбиркор ёки ишбилармоннинг шижоати билан иш юритиш керакдир. Ахир, газета-журналлар халқимизнинг бойлиги, у неча йиллар давомида шаклланган. Масалан, "Шарқ юлдузи" журнали тўққизинчи ўн йилдирки, миллий адабиётимиз билан бақамти яшаб келаяпти. Унда бўй кўрсатмаган биронта қаламкаш бўлмаса керак. Унинг саҳифаларида энг қадимги маданиятимиздан шу кунларгача ўтган маънавий, адабий жараён муҳрланган. Журнал адабий оламимизнинг чинакам қомуси. Айни пайтда у чиқмай қолиш хавфида.

Мамлакатимизда юксак кўтарилиш ва улкан марраларни забт этиш шижоати ҳукмрон. Бундай олийжаноб мақсадга барча соҳа кишилари баравар ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб аталишида ижтимоий ҳаётнинг икки қанотини баравар ривожлантириш нияти мужассам. Ана шу йўлда қаламкашлар ҳам камарбаста. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган марралар ҳар бир фуқародан ўта фаолликни талаб қилади. Мурожаатнома билан танишган ватандошларимизнинг қалбида иқтисодий жиҳатдан қандай қудратли мамлакатда яшаётганимиздан, юксак марраларни кўзлаётганимиздан фахрланиш туйғуси жўшиб кетади. Оламшумул вазифаларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида ОАВ ходимлари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшадилар, журналларимиз саҳифаларида эса буюк қурилишларни акс этирадиган жозибали суратлар жой олиб, улар миллионлаб одамлар қалбига қувон ва улуғворлик улашади.

Ҳаким САТТОРИЙ,
Ёзувчилар уюшмаси Бадиий публицистика кенгаши аъзоси

Абдумажид АЗИМ

МУДОМ БОШИМИЗДА ПОРЛОҚ ҚУЁШСАН

* * *

Савоб учун битта ниҳолни қада,
ҳамалинг жавзога жилмасдан бурун.
Яхшилик қилгину дарёга ташла,
исмингни балиқлар билмасдан бурун.

Қайғуни йўлатма кўнгил боғингга,
ташвишлар ёқангни юлмасдан бурун.
Сумак шарт эмасдир чақалоғингга,
ҳали бу дунёга келмасдан бурун.

Ўтгайдир ёшлик ҳам фусункор, сўлим,
сузгин мавжларида сўлмасдан бурун.
Бу ҳаёт бир куни бўйнингга, ўғлим,
рўзғор халтасини илмасдан бурун.

Ниқобин ечаркан турмуш — тасқара,
ҳушёр бўл, домига олмасдан бурун.
Яшагин қисматни қилиб масхара,
ҳолингга маймунлар қулмасдан бурун.

Сочингда оқ билан борарсан қишга,
хазон боғларингда елмасдан бурун.
Уринма ҳайбатли тоғни йиқишга,
аввало, ҳолингни билмасдан бурун.

Худодан дилингни узмагин токи,
Исрофил сурини чалмасдан бурун.
Бу дунё — кузакнинг битта япроғи,
нафсингни ўлдиргин ўлмасдан бурун.

* * *

Найсонлар бу кеча тушади йўлга,
заминга ёғилар раҳматлар суйи.
Гунг, соқов дарахтлар киради тилга,
тонггача тинмайди ёмғирнинг куйи.

Заминни титратар момақалдироқ,
гул чизар самога кўк наққошлари.
Тонггача жиққа ҳўл бўлади сўқмоқ,
қувончдан майсанинг кўзда ёшлари.

Жилғалар жайрондек югурар шодон,
интиқ термуламан шошқин ҳофизга.
Илоҳий саломлар йўллайди осмон,
ариқ рошидаги митти ялпизга.

Оппоқ ёмғирларда боладек чопдим,
тангадек сочилди нурлар изимга.
Саҳарда уйғониб кўзимни очдим,
яшиллик тиқилиб қолмиш кўзимга.

Изҳори дил

Инсонлар барг бўлса, Ватан бир дарахт,
Дарахтда қумрилар уради чах-чах,
Чах-чаҳин тингласам ҳар лаҳза, ҳар вақт,
Қушлар каломида эзгулик барҳақ.
Тош тутсанг қўлингда инжу, дур бўлғай,
Ҳамиша бошларинг тик, мағрур бўлғай.

Энг нозик каломдир башарда номус,
Эзгулик бор жойда, ёмонлик ҳам бор.
Дилларга хиёнат йўламас ҳаргиз,
Имон қалъалари тураркан пойдор.
Кўнглингда ҳайқирган Аму, Сир бўлғай,
Нақшбанд боболар пешво, пир бўлғай.

Улғайиб уйимда ўғиллар, қизлар,
Қўяр эрталарга шаҳдам қадамлар,
Танишу нотаниш, дўсту азизлар,
Мен билган, билмаган барча одамлар.
Уруғу аймоғим — йўлинг нур бўлғай,
Миллату элатим — элинг ҳур бўлғай.

Олис тарихларга син солсам агар,
Аждодда не бўлса сурармиш суяк,
Темурбек юртидан Темурлар чиқар,
Алпомиш наслидан Алпомиш бешак.
Падаринг осмону онанг ер бўлғай,
Қизларинг ойбекач, ўғлинг эр бўлғай.

Энг ёруғ тилаклар тилайман сенга,
Қўлим дуода, каломда тилим.
Яхши ёмон кунда эш бўлдинг менга,
Мангу тўхтамасин карвонинг, элим.
Кўксингда ловуллаб турган қўр бўлғай,
Мардларинг майдонда мисли шер бўлғай.

Неча минг йиллардан келарсан ўтиб,
Мен ҳам бу йўлларда елдай елгайман.
Табаррук изларинг кўзимга суртиб,
Қўлларим кўксимда таъзим қилгайман.
Ўзбегим, қозонда ошинг бир бўлғай,
Чиқиб бир ёқадан бошинг бир бўлғай!

Ўзбек

Атойи Худодир меҳмон ардоқли,
Меҳр балқиб турар ўзбек кўзидан.
Ялангтўш қавммиз, бели белбоғли,
Фаришталар ўпган ўзбек юзидан.

Деҳқону чўпону миришкор, боғбон,
Ризқини теради дала тузидан.
Ойга бир кун етса ўзбек бегумон,
Гуллар униб чиқар босган изидан.

Кичиги кичик-ку, каттаси катта,
Итармас бир-бирин асло кўксидан.
Бобо-момолари ҳурмат-иззатда,
Нур ёғиб туради мудом юзидан.

Савобни ўйлайди ўтирса, турса,
Бошқалар ҳиммати чиқмас эсидан.
Боладек қувонар элга тўй берса,
Қўшнига илинар ортиб ўзидан.

Илму маърифату исломга ихлос,
Тушмайди шукрона асло оғзидан.
Болам деб яшамоқ фитратига хос,
Тойчоғи келади отнинг изидан.

Ваъдага вафодор, аҳдига иқрор,
Ҳатто дор остида қайтмас сўзидан.
Йўғига қаноат, борига бозор,
Ўзидан кўпаяр ўзбек, ўзидан!

Яшаш формуласи

Ҳар ким ҳаётини ўзича қурар,
Басдир қўллаб турса Худо қулини.
Биров илм-фанга ўзини урар,
Топар тижоратдан биров йўлини.
Мабодо, яшашнинг эпини қилсанг,
Ҳожат ҳам эмасдир тахти Сулаймон.
Минг йил яшаб ўтди чайлада, билсанг
Сабру қаноат-ла ҳазрати Луқмон.
Ҳамиша бир хилдир яшашнинг шакли,
Кўҳи Бадахшонми, шаҳри ғулғула.
Яшади Робинзон оролда бахтли,
Атрофи жондору қушларга тўла.

Иброҳим Адҳамдек бир тепиб тахтни
Яшаса бўлади олачиқда ҳам,
Ўзимизга ўхшаш сумбату сахтли.
Одамлар яшайди Мозамбикда ҳам,
Яшайди бировлар сиғиниб тошга,
Бировлар сигирга сажда қилганча.
Илло, ҳар қавмнинг мозори бошқа,
Яшайди бандаси ўзи билганча.
Яхшими, ёмонми ўтгайдир кунинг,
Ғалати формула яшаш удуми.
Тошлар остида ҳам чиқармай унинг,
Бемалол яшашдир билсанг, муҳими.
Ҳуллас вафо қилса умр одамга,
Юзга ҳам етади бир кун эринмай.
Яхши-ку машҳурлик жумла оламга,
Яшаса бўлади, ҳатто кўринмай.
Ҳар ким насибасин терар кўпу оз,
Текин луқма бўлар фақат қопқонда.
Лекин бир тахлитда қичқирар хўроз,
Хоҳи Самарқандда, хоҳи Лондонда!

Ўзбек тилим

Бобомнинг тилисан, момомнинг тили,
Отамнинг тилисан, онамнинг тили.

Осмондай бепоён туғилган еринг,
Ҳеч кимга маълуммас аввал-охиринг.

Қадимий аждодинг ул Абуттурқдир,
Ўтовинг Осиё — бошингда бўрқдир.

Тўмарис шиддати, Широқнинг қони,
Мангуберди ўчи, Темурбек шони.

Кошғарий дилида ёнган баётсан,
Яссавий тилида мангу ҳаётсан.

Навоий армони, Бобур нидоси,
Фароғий ўкинчи, Машраб видоси.

Чўлпону Қодирий, Усмон Носирсан,
Элинг хизматига ҳозир-нозирсан.

Истибдод қўрғонин янчиб, йиқолдинг,
Олов-оташлардан омон чиқолдинг.

Сен рўйи заминга ўзбек тилида,
Саломлар йўллайсан ўзбек элидан.

Теран илдизлардан олган қудрат, куч,
Ҳайбатли чинорсан новдалари ғуж.

Минг йиллар ўтса-да навқирон, ёшсан,
Мудом бошимизда порлоқ қуёшсан.

Ўзимнинг тилимсан, боламнинг тили,
Ўзбегим тилисан, оламнинг тили!

* * *

Икки қош ораси менинг ҳаётим,
лаҳзада тирилиб, ўлиб яшайман.
Вояга етса ҳам ўрганмай қўлга,
ҳуркагу ёввойи тойга ўхшайман.

Ўхшайман бир гиёҳ ўсмаган тоққа,
ўзани қуриган сойга ўхшайман.
Одамлар унутган ғариб сўқмоққа,
момомдай дардли бир қуйга ўхшайман.

Бу куйнинг ноласи оламни ўртар,
қамишдан кесилган найга ўхшайман.
Қирчанғи бу дунё манзилга йўртар,
туёғидан кўчган лойга ўхшайман.

Юракда фарёдим, бўғзимда додим,
ёронлар, бир ҳоли войга ўхшайман.
Ўқлари отилиб олис манзилга
Добонбийдан қолган ёйга ўхшайман.

Совуқ изиллаган қаҳратон кунда,
томи ёпилмаган уйга ўхшайман.
Ўхшашим топмадим жумла очунда,
бўри чангалида қўйга ўхшайман.

Бир эгнимда савоб, бирида гуноҳ,
булутлар ортида ойга ўхшайман.
Бўлсам-да, аслида афтода, қашшоқ,
худдики минг қўйли бойга ўхшайман.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ

ОТА БОҒНИНГ ХАРИДОРИ



Узоқнинг иши қийин-да.

Отасининг сўнгги дамларида ёнида туролмади. Ҳарқалай, акаси билан укаси бошида бўлишди. Иссиқ-совуғига қарашди. Охирги сўзларини эшитишди. У бўлса... ҳеч киммас: кимга керак бунақа обрў... ўйлаган сари юраги эзилади.

– Сизни отам узоқ кутди. Охирги кунлари фақат эшикка термулиб ўтди. Бирон гапи бор эди, шекилли. Бизга айтолмади, – деди укаси.

У индамади. Нима ҳам десин? Шаҳардан туриб ҳаракат қилганини айтсинми ёки улгуриб келолмаганиними?.. Ўйлаб ўйининг адоғига етолмади.

– Ярим соат, бир соат эртароқ қимилласанг бўларди-ку, ука! Узоқ йўл бўлса. Отамни сенга гапи бор экан, – деди акаси тўғриллаб.

Холироқ жойга ўтди. Одамларга кўрингиси келмасди. Назарида ҳамма «Садқаи ўғил кет-э!» деяётгандек туюларди. Уларнинг назарларига бардош беролмади. Укаси ёнига келди.

– Отамнинг уч ўғли борлигини ҳамма билади. Ўзингизни опқочманг, ака. Қаторда туринг, – деди.

Жанозада тумонат одам йиғилди. Фотиҳадан сўнг бариси кетма-кет кўнгил сўрай бошлашди. Шу кўйи учов шомгача тик туришди. Отаси феъли кенг одам эди. Каттаю кичикнинг ҳурматини қиларди. Адашмаган бўлса, яқин атрофдаги етти қишлоқдан одам ёпирилиб келди. Маййитни қабристонга қўйиб қайтган пайти унинг эътиборини оппоқ, баҳайбат ит тортди. Одамлар орасидан индамайгина дарвозахонага термулиб турарди. Ўтган ҳар бир кишига тикилади. Ҳеч ким унга парво қилмасди. У ҳам бир четда келган-кетганга қараб анча турди. Кейин кўчанинг нариги бетидаги қўшнининг девори тагига бориб, оёғини узатиб ётиб олди.

– Ўша ноёб зотданми, дейман? – тоғасининг овози қулоғига чалинди.

– Ҳа, шунақага ўхшайди! – деди амакиси ҳам тасдиқлаб.

Одам кўп бўлди. Келди-кетди тинмади. Баъзилар итдан чўчигандек ўзларини четга торта бошлашди. У ҳатто пинагини бузмасди. Олд оёқлари устига бошини қўйиб, атрофга аланг-жаланг қарарди. Кимнинг ити экан, хаёлидан ўтказди у. Ҳеч кимга эргашмайди ҳам. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Уч кун деганда яна ўша оқ ит пайдо бўларди.

У қўшнилардан сўрашга ийманди. Унга эрмак топилганди. Аҳён-аҳёнда итга қараб чалғирди. Ҳатто отасининг биринчи пайшанбаси, якшанбаси, еттиси, йигирмасида ҳам жонивор келди. Фақат бугун қирқида кўринмади. Ўрганиб қолган экан. Зимдан у ёқ-бу ёқни қидирди. Кўринмади. Шомгача кутди. Келмади. Бирон корҳол бўлдимикин?.. Хаёлига келган ўйдан алланечук бўлиб кетди. Нега бунчалик қайғурмаса. Эгаси боғлаб қўйгандир-да. Бироз тинчланди. Жон куйдиришга арзимайди. Ахир, бир жонивор бўлса.

* * *

Кечки овқат маҳали ҳамма жам бўлди. Акаси, укаси, синглиси, ўзи, онаси... Фақат қаторда отаси йўқ. Юрагининг бир четини нимадир емирарди. Кўксидаги кемтикни ёпадиган ҳеч нарса йўқ, тополмайди. Ўтган ўтиб кетди. Йиғи-сиғи бефойда. Ҳеч кимни ортга қайтариб бўлмайди. Кўз ёшлар дарё бўлиб оқса ҳам.

Унга нима бўлди? Бугун, ҳатто кўзига ёш ҳам келмади. Одамнинг бардоши метин бўларкан. Чидаркан. Ҳамма нарсага кўникаркан-да. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Қаҳри қанчалик каттиқ бўлмасин, отасининг ўрни билина бошлади. Ўзини ёлғиз сезди. Меҳрини қўмсаяпти. Наҳот, уни дунёга келтирган зот йўқ энди. У ёлғиз қолдими? Жигарлари-чи, оға-инилари-чи?!. Уларга бир-бир зимдан разм солди. Овқат ейишяпти. Ҳаммаси очиққан. Балки унга шундай туюлгандир. Онаси:

– Ол! – деб овқатга ундади.

Бир қошиқ овқатни у лунжидан бу лунжига олиб узоқ чайнаб ўтирди. Яқинлари қатори мажбур еди. Кўнгли хира, ҳеч ёришмади.

Ҳамма овқатланиб бўлиб, қўлларини сочиққа артишди. Онаси дуо қилди. Кейин:

– Энди уй-уйларингга борингглар! Қирқ кун аза тутдинглар. Етар. Эшик-элга ҳам қаранглар! – деди вазмин овозида, ўзи истамаса ҳам.

Бироздан сўнг кўни-қўшнилар чақирилди. Улардан битта-битта ҳамроҳ қилиб ҳамма кузатилди. Таомил шундай. Ҳамма кетди. Фақат у қолди.

* * *

Узоқнинг иши қийин-да.

Унга ҳеч ким ҳамроҳлик қилмайди. Тонг саҳар йўлга чиқади. Онаси билан ёлғиз қолди. Гаплашишга ҳоллари йўқ. Фақат бир-бирига термулиб ўтиришди. Кутилмаганда акаука қайтиб келишди.

– Укам кетмай гаплашволсак дегандим, – деди акаси онасига.

У ҳайрон бўлди. Онаси ҳам «Нима бўлди?» дегандек киприк қоқди.

– Боғни сотмоқчимиз, – деди укаси.

Онаси бир қалқиб тушди.

У ҳам бу гапни қутмаганди. Қулоқларига ишонмади. Сотишмоқчими?.. Ота боғни-я?!

– Нима учун? – кескин оҳангда сўради онаси.

– Боққа ким қарайди? – саволга савол билан жавоб берди акаси.

– Сс... сизлар-чи?! Ахир, отанг...

У ёғини айтолмади онаси. Қирқ кундан буён эзилган юракка бу гаплар оғир эди. «Нима бу, синовми ёки чолининг бу дунёда чала қолдирган ишими?!

Ҳаммаси қоронғи ва мавҳум. Тушунмаяптими ёки тушунишни хоҳламаяптими?.. Балки шундай бўлиши керакдир. Онаси ростданам толиққанга ўхшайди. Нажот билан унга термилди. У ҳамон жим ўтирарди. Нимаям дерди. Қарор айтилди-ку.

– Боғ – отамдан мерос. Ҳаммамизга аскотади ҳали, – деди анчадан сўнг аранг акаси билан укасига қараб.

– Кўчиб кел унда! – кескин жавоб қилди акаси.

У яна жимиб қолди. Гапга онаси аралашди.

– Катта боғдан ҳали отангнинг излари кетмаган. Ҳеч бўлмаса йили ўтсин, – деди.

– Унгача боғ қуриб битади, – деди укаси гапни чўрт кесиб. – Менинг... қарашга вақтим йўқ.

– Мениям ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди, – қўшилди акаси. – Сен келиб қарамасанг керак?

Бу аниқ эди. Оға-ини гапни бир жойга қўйиб олишибди. Қаршилик қилишнинг иложи йўқ. Бир томони, улар ҳақ. Боққа қаров керак. Уволи бор. Ҳозир битта гап кам, иккитаси ортиқча. Сўнгги сўзни онаси айтади. Лекин она жим. Нимаям десин...

Онаси ўрнидан қўзғалиб, ичкари уйга кириб кетди. Чироқни ёқиб дераза ёнига ўтириб олди. Акаси билан укаси ўрнидан даст туриб, ташқарига чиқиб кетишди. Сукутни розилик аломати деб билишди. Шу асно ўтирган ўрнида кўзи илинди. Бироз мизғибди. Ташқаридаги ғала-ғовурдан чўчиб уйғонди. Вақт алламаҳал бўлибди. Айвондан ҳовлига қаради. Ишком тагидаги сўрида акаси билан укаси аллакимлар билан талашиб-тортишарди. Ҳойнаҳой, боғ сотилганга ўхшайди. Онасининг ҳам кўзларидан ёш сизарди. У онасининг олдига кирди. Ёнига тиз чўкиб маҳкам қучди. Қўлларини юзига босди. Болаларча суйкалиб ёлворишга тушди.

– Хўп десангиз, сизни ўзим билан олиб кетаман, – деди.

Онаси лом-мим демади. Кўрпасининг қатларини тимирскилаб, чарм кинли пичоқни олиб унга узатди.

– Шуни отангдан ёдгорлик деб бил, доим ёнида олиб юрарди. Йигит кишининг кўрки, ҳамиша ҳамроҳ, дерди!

Пичоқни қинидан суғуриб бироз томоша қилди. Худди ўзи. Отасининг пичоғи. Нақши кўзни қамаштиради. Болалик чоғида шунга ҳавас қиларди. «Ҳай-ҳай, тиғи ўткир-а. Қўлингни кесволасан», деганди отаси, бир кун боғларидан катта бир олмани узиб, арчимоқчи бўлиб қўлга олганда. Бахтли дамлар экан ўшанда...

– Бирга кетақолинг, илтимос. Неваларингиз ҳам хурсанд бўлади, – деди яна онасига суйканиб.

Онаси индамади. Нигоҳини ташқарига қадаб, жим ўтираверди.

– Отангни чироғини ким ёқади, мен кетсам?! – деди бирпасдан кейин ғамгин товушда.

– Акам бор, укам бор, – деди у беихтиёр.

Онаси бошини сарак-сарак қилди. Тасбеҳнинг тез-тез шиқиллаган овози эшитила бошлади.

– Йўқ, – деди онаси қатъий. Яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтладию, аммо индамади. Бу пайт ташқаридаги ғала-ғовур тинди.

– Ҳамманг ҳам боламсан. Ўла-ўлгунимча шундай бўлади. Барингизни яхши кўраман. Бошқа ҳеч нарса қўлимдан келмайди, болам.

Онасининг овози титрарди. Кўз ёшлари томчилаб, пиқиллаб йиғлаб юборди. У ғазабдан қўлларини мушт қилди. Шу топда нима қилишини билмасди.

Важоҳат билан ташқарига отилди. Сўрида ҳеч ким қолмабди. Қийиқча устида бир даста пул ётарди. Бу унинг улуши.

У кўчага чиқди. Гарангсиб анча юрди. Қаёққа борарини билмасди. Йўл отасининг боғи сари етаклади. Ҳаммаёқ зим-зиё. Бирон шарпа кўринмасди. Хаёлида ёлғиз қолган онаси.

– Оҳ, онам-а. Муштипар онажоним-а. Дунёга келтириб, ювиб-тараб, вояга етказган меҳрибоним онам-а, – дерди пичирлаб.

Дарахтларнинг шитир-шитиридан боққа келиб қолганини сезди. Баргларнинг шабадада шивирлаши қулоғига ёқимли эшитилди. У боғ ўртасидаги катта ўрик дарахти тагига бориб чўккалади.

Шу пайт буталарнинг шитиридан ўзига келди. Ортига қараса, тунов кунги ит чопиб келяпти. Қувониб кетди. Думини ликиллатиб олдига келди. Баҳайбат бу махлуқ, худди қадрдонлардек оёқларига суйкалди. Шундагина тушунди, унинг бегона эмаслигини. Ҳа-ҳа. У отасининг ҳамроҳи, боғ қўрикчиси... Бу аниқ. У итни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Ит қаршилик ҳам қилмади. У қоронғида ўзига ҳамроҳ топилганидан хурсанд бўлди. Юнгларини силаб эркалади. Икков боғ айланишди. Сўнг чайлага борди. Шу пайт чайлага нуроний, оппоқ соқоллари селкиллаб, ўзига ярашиб турган мўйсафид кириб келди. Ит билан бўлиб сезмабдиям.

– Хуш келибсан, ўғлим, – деди ёшига хос вазминлик билан.

– Хушвақт бўлинг, – деди у ҳам.

– Қайтяпсанми?.. – сўради яна худди эски танишлардек.

– ...

– Мен қўшни боғнинг эгасиман. Отанг билан қадрдон эдик. Мана бу ҳужжатларни олиб кўй. Боғники. Отанг раҳматли қачондир боғ сотилса, ўзи харидор бўлишини тайинлагандик. Қайвони одам эди-да, раҳматли. Аввалдан билган чоғи. Мен ҳаммасини унинг айтганидай қилдим. Асли, пул ҳам отангники. Боғдан бўлса, хавотир олма. Мен кунда-шундаман. Қаровсиз қолмас.

У хижолат бўлиб ўрнидан қўзғалди. Қўлидаги қоғозларга узоқ термилди. Ёзувларига кўз югуртирди. Бошини кўтарганда мўйсафид йўқ эди. Нима бўлганига тушуна олмади. Ким эди бу?.. Худди Хизр бувага ўхшайди-я. Боғни сотиб олиб ўзларига қайтаргани учун отасига яна раҳмат айтди. Отаси кўриб қўйган тадбирдан кўнгли ёришиб кетди.

Тонг шамоли эса бошлади. Узоқдан шафақ кўринди. У кетмоқчи бўлди. Ит билан хайрлашиб, йўлга тушди. Жонивор жилғагача ортидан эргашиб борди. Фақат адирга чиқа бошлаганда тўхтаб қолди. Қаёқдандир кучли шамол кўтарилди. Жилғадаги чархпалак ғийқиллаб айлана бошлади. Етимқирда ям-яшил боғ ястаниб ётарди. Бепоён адирликлар алланечук гўзал бўлиб кўринди кўзига. Тепаликка етиб пастга эниб бошлаганда итнинг узун-узун улиши эшитилди...

Ҳаммаси ортда қолди. Уй, қишлоқ, қир-адир, ит ва яна дераза ортидан ёлғиз мўлтираб термилиб турган онаизори, оппоқ соқолли мўйсафид... бари-бариси қалбида олис хотираларни уйғота бошлаганди...

ХИКОЯ

ВАФО ВА МУҲАББАТ УЛУҒ ҚУДРАТДИР

Афғонистонлик шоир, олим ва публицист Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний билан суҳбат

Эътиборингизга тақдим этилаётган қуйидаги суҳбат бундан ўн беш йилча бурун газетамизда ("ЎзАС", 2005 йил, 23 сентябрь сони) босилган эди. Суҳбатдошлар: устозимиз Маҳмуд Саъдийнинг афғонистонлик ўзбек адиби, маданият ва давлат арбоби Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний билан қилган бу адабий гурунгида тилга олинган мавзулар бугун ҳам долзарблигини, қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айни шу жиҳатни назарда тутиб, ушбу суҳбатни такрор чоп этишни маъқул деб топдик.

Маҳмуд Саъдий: — Бундан ўттиз йил аввал Ойбекнинг «Навоий» романини дарий тилига таржима қилиб, нашр эттирган экансиз. Бу хайрли ишингизга нималар сабаб бўлган эди?

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний: — Мен болалигимдан Амир Алишер Навоий асарларига қизиқиб келганман. Ўша даврда бизнинг Сарипул шаҳримизда Навоийнинг тошбосмада чиққан «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг нусхалари бор эди. Девон қизлар ва болалар мактабларида савод чиқариш учун ўқиларди. Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам баъзи зиёлиларнинг уйларида топиларди.

Мен «Ғаройиб ус-сиғар»ни 13-14 ёшларимда ўқиганман. Ундан кейин шоирнинг шоҳ асари бўлмиш «Хамса»нинг Россия цензураси 1893 йил 13 декабрда босишга рухсат берган жуда чиройли муковали нусхасини ўқишга тутиндим. Бизнинг шаҳримизда унинг фақат битта Тошкент тошбосма нусхаси афғонистонлик буюк адиб ва шоир устоз Азимий Жўзжоний кутубхонасида бор эди. Мен тоғам ва устозим бўлган бу зотнинг ана шу китобидан ҳар доим фойдаланиб келардим.

Ўн беш ёшларимда қиш фаслининг дам олиш ойларидан фойдаланиб китобни ўқишга киришдим. Айрим жойлари ва баъзи сўзларини яхши тушунмасам ҳам, бешинчи дафтар («Садди Искандарий» достони)ни охиригача ўқиб тамомладим. Шу-шу, Навоий мен учун ҳаётимда йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Унинг достонларидан ўзимга жуда ёққан парчаларни кўчириб олиб такрор-такрор ўқирдим. Шоирнинг мислсиз ижодий жасорати самараси бўлмиш байтлар зеҳнимга ўрнашарди. Масалан, шоҳларга ўгит сифатида битилган мана бу байт:

Гарчи синуқ игна ҳақунносдур,
Бағринг аро ҳанжари олмосдур.

Ёки мислсиз бадиий ифодага мисол бўлмиш тонг отиши тасвирланган ушбу байт:

Қуйди қуёш ўтида зулмат туни,
Учди ҳаво узра нужум учқуни.

Шу каби олтинга бергусиз байтлар сира тилимдан тушмас эди.

Кобул яқинидаги Пағмон туманининг марказидаги Шаръий фанлар олий мадрасаси ва Кобул дорулфунунининг шариёт факультетида ўқиган йилларимда ҳам «Хамса»нинг ўша нусхаси ҳар доим ҳамроҳим бўлди. Китоб ҳозир ҳам менда.

Кобулда Бухородан келиб қолган атоқли олим, шоир ва адиб устод Ҳошим Шоиқ ва тошкентлик Домла Бедил лақабли машҳур шоир қори Шарафиддин Шарафнинг ўғли Ҳисомиддин акадан Алишер Навоийнинг бир қанча китобларини олиб мутолаа қилдим.

Ҳисомиддин ака «Хазойин ул-маоний»нинг бир қўлёзма нусхасини менга ўқишга берди. Бу нодир қўлёзма жуда саводли кўчирилган, Султон Ҳусайн Бойқародан бошлаб кўп шоҳу шаҳзодалар кутубхоналарида сақланган бўлиб, уларнинг муҳрлари босилган эди. Бу табаррук китоб ҳозир Америкада яшаётган Ҳисомиддин ака оиласи аъзолари тасарруфида бўлса керак.

Бизлар кирилл хати билан таниш эмасдик. 60-йилларнинг бошлари бўлса керак, Зулфияхонимнинг кичик ҳажмдаги танланган шеърлар китоби қўлимга тушиб қолди. Рус алифбосини ўрганиб олгач, ушбу китобчани ўқишга уриниб, баъзи ўзбекча ҳарфларни таниб олдим.

Масалан, тўпламдаги

Келтирардинг менга бир замон,
Энди сенга мен элтаман гул, —

деган мисралар ҳамон ёдимда.

Кейинрок Ўзбекистон радиоси орқали Ойбек, Шароф Рашидов ва бошқа замонавий ўзбек шоиру ёзувчиларининг номлари, ёзган асарлари билан танишдим. Ойбекнинг Навоий ҳақида роман яратганидан хабар топдим. Сўнгра «Алишер Навоий» фильмини кўрдим. Шу тариқа, менда Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиб кўриш истаги кучайди...

Кўп йиллар ўтиб, шароит ўзгаргач, дўстларимдан бири Тошкентдан романни мен учун олиб келди. Асарни қунт билан қайта-қайта ўқидим, форс тилига таржима қилишга уриндим. Лекин романни нашр этиш учун шароит мавжуд эмас эди. Аммо вақти келиб шундай имконият топилди. Бир дўстим, «Жвандун» («Ҳаёт») журналининг мудири романга қизиқиб, унинг номини «Алишер Навоий» деб нашр этмоқчи бўлди. Чунки Кобулнинг катта бойларидан бири ўзига Навоий тахаллусини олиб, шу ном билан шаҳарда йирик супермаркет очган эди. Шундай қилиб, роман Ойбекнинг рассом чизган сурати, таржимаи ҳоли билан «Жвандун»нинг 1974 — 1975 йилги сонларида босилди. Афсуски, баъзи сиёсий ҳодисалар юз бериб, асар таржимасидан озроғи нашр этилмай қолди.

М.Саъдий: — Роман таржимасида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

Ш.Жўзжоний: — Ойбекнинг ўзига хос услуби, тили бор. У халқ мақоллари, соф туркий сўзлар ва мавҳумларни кўп ишлатади. Араб ёзувида форсча-ўзбекча ёки туркча-ўзбекча луғатлар мавжуд бўлмагани учун тушунишим қийин бўлган сўзларни ўзбекча-русча луғатлар ёрдамида тушуниб олишга уринардим. Бу луғатлардан ўзбекча сўзларни изоҳлаб берган русча сўзларни ёзиб олиб, кейин русча-форсча луғатлардан ўша русча сўзларни қидириб топиб, маъносини англашга интилардим. Берилган маънолардан бирини романдаги маъносига қараб ўша қийин сўз сифатида танлаб олиб, таржима қилардим...

Ўзбек шеваларига хос бўлган баъзи бир сўзлар маъносини ўша пайтда Кобулда хизматда бўлган дўстим Абдурахим Манноновдан сўрардим. Айрим сабабларга кўра, менинг асарларим ва таржималарим ўлка матбуотида мустаор (бошқа) номлар, масалан, Илдирим, Унгут, Илғор, Шабтоб, Ш., Ш.Ж. тахаллуслари билан босиларди. «Навоий» романи таржимаси ҳам А.Ҳ.Илдирим имзоси билан босилди.

М.Саъдий: — «Навоий» афғон китобхонларини қизиқтирдими? Улар романни қандай қабул қилдилар? Афғонистонликлар учун асар қандай аҳамиятга эга?

Ш.Жўзжоний: — Сизга маълумки, Навоий яшаб, ижод этган давр, яъни темурийлар даври фанда Шарқ Ренессанси даври деб эътироф этилган. Бу даврда илм-фан гуллаб-яшнади: Улуғбек расадхонаси, буюк олимнинг «Зижи Кўрагоний» асари, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари, улуғ ўзбек мусаввири Камолиддин Бехзод яратган Ҳирот миниатюрачилик мактаби, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг дохиёна асарлари, асрлар оша яшаб келаётган обидалар...

Навоий ана шу Уйғониш даврининг иккинчи босқичида Ҳиротда буюк маънавий-маданий ҳаракатнинг улкан раҳнамоларидан бири бўлди. Бу даврда Афғонистон тупроғида тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурди, фан-маданият ривожи учун кенг қўламда шароит яратиб берилди.

Темурийлар давридан қолган обидалар охирги 20 йиллик урушлардан кўп ҳасора кўрган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз азамати ва чиройи билан кўзларни қамаштиради. Қисқача қилиб айтганда, Навоийнинг ҳаёти ва ижодий-ижтимоий фаолияти Афғонистон тарихининг олтин ҳарфлар билан ёзилган ажралмас бир фасли ҳисобланади. Шу сабабли Афғонистон барча халқи, тарихчилар ва зиёлилари Алишер Навоийнинг Афғонистон учун қилган буюк хизматларига катта эътибор бериб, унга нисбатан чуқур эҳтиром ва самимият кўрсатадилар.

«Навоий» романи буюк вазир ҳаётининг турли қирралари ва ушбу даврнинг барча хусусиятларини бадиий шаклда гавдалантириб бергани сабабли катта тарихий-бадиий қимматга эга. Шу боис ҳам роман таржимаси афғон зиёлилари томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

М.Саъдий: — Сизнингча, романнинг бадиий аҳамияти нимада?

Ш.Жўзжоний: — Ойбек фақатгина олий истеъдодли ёзувчи эмас, балки иқтидорли шоир ҳам бўлгани учун Навоийнинг ҳам ташқи, ҳам ички дунёсини чуқур тасвирлашга интилган. Адиб ўзбек ўтмиш тилини тарихий роман жанри меъёрларига мослаштириб ишлатди. Халқ мақолларидан, Навоий адабий тилига хос бўлган сўзлар ва атамалардан кенг фойдаланиб она тилимизнинг ифода имкониятларини кенгайтирди. У ишлатган сўзлар, яратган жумла ва иборалар булоқнинг тиниқ сувидек замиридаги мазмунни ёркин ифодалайди. Ойбекнинг жумлаю иборалари кўпинча мўъжаз (қиска) бўлишига қарамасдан, тўлиқ маъни ва мазмунни англатади. Бу ўринда Ойбек араб классик адабиётидаги «Энг яхши баён кўп маънига далолат қилувчи қиска сўздир» деган қоидага амал қилганга ўхшайди.

Иккинчидан, Ойбек Навоий шахсиятини мужассамлаштиришда унинг фақат зоҳирий сийлиги, юриш-туришлари, сўзлаш ва кулишлари, баъзан эса ғазабланиш ҳолатларини маҳорат билан бадиий кўрсатибгина қолмай, балки унинг руҳий дунёси, якка ва танҳолиги, мусиқага алоқаси, армонларини ифодалашга муваффақ бўлади.

Ойбек романида Навоий улуғ давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият тараққиётининг яловбардори, барча илму санъат аҳлининг ҳомийси, уруш ва қирғин душмани, тинчлик, сулҳу аҳиллик сокчиси, турли халкларарo дўстлик ва биродарлик жарчиси, буюк инсонсевар сифатида гавдаланади.

М.Саъдий: — Сиз Ҳирот шаҳрини яхши биласиз. Ойбек «Навоий» романида тасвирлаган Ҳирот асл Ҳиротга қанчалик ўхшайди?

Ш.Жўзжоний: — Мен билмайман, Ойбек Ҳирот шаҳрини кўрганми ёки кўрган эмасми. Ҳар ҳолда, унинг сеҳргар қалами ушбу шаҳарнинг XV асрдаги қиёфасини маҳорат билан тасвирлайдики, мен романни ўқиганда баъзан ҳаяжонланиб кетиб ўзим Хуросон пойтахтини ўша даврда яқиндан кўриб, у ерда юз берган ҳодисаларнинг шоҳиди бўлгандек бўлардим.

Навоий Ҳирот хиёбонини жуда севарди. Унинг асарларида хиёбонга бағишлаб ёзилган шеърларни кўп учратиш мумкин. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр»да:

Оллоҳ-Оллоҳ, не Ҳирий бу Ҳирий.
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.
Икки савобит фалакидин нишон,
Икки хиёбони икки каҳкашон.

«Девони Фоний»да:

Шаҳроҳ суи жаннати фирдавски жўянд,
Фонин ба яқин дон ки, хиёбони Ҳиротаст.

Таржимаси: «Эй Фоний, одамлар қидириб юрган жаннатга олиб борувчи шоҳкўча, дарҳақиқат, Ҳирот хиёбонидир».

Ойбек Ҳирот шаҳрида ўқувчини кездириб, оддий одамлар кўролмайдиган нарсаларни кўрсатиб беради. Унинг ўткир нигоҳи қилни қирқ ёриб, ҳаётнинг жуда нозик ва мураккаб томонларини кўрсатишга қурби етади.

Муаллифнинг тасвирлаш услуби шу қадар кучлики, асарни ўқиган китобхон Ҳирот шаҳрида кезиб азамат миноралар, ҳашаматли масжидлар, одамлар билан гавжум кўчалару бозорлар, турли матоларга тўла дўконлар, илму фанга чанқоқ толиблар дарс оладиган йирик мадрасалар, узоқ ўлкалардан етиб келган савдо карвонлари ва янги оттан қуёш нурлари билан сўзлашиб тургандек кошинкор маҳобатли равоқлар, тоқлар ва гумбазларни яқиндан кўргандек бўлади. Кимёгарлар, шишасозлар, мусиқачилар ва бошқа турли-туман касбу ҳунар эгалари билан тўлиб-тошган азим шаҳар ҳар куни минг-минглаб мусофирни қабул қилади ва минг-минглаб мусофир ундан жўнаб кетади. Ҳар ерда шеъру адабиётга қизиқиш бор. Мадрасалардан бозор расталари, ҳалвопаз дўконларигача одамлар шеърият, айниксa, Навоий ижодиёти билан қизиқадилар.

Ойбекнинг сеҳрли қалами билан битилган ушбу асарда Навоийнинг инсондўстлик туйғулари унинг барча хатти-ҳаракатида яққол кўзга ташланиб туради. Ойбек Навоийни энг олий инсоний фазилатларни ўзида жамлаган, барча инсонларга нисбатан меҳру шафқат манбаи ва ҳатто ҳайвонлар учун ҳам раҳму отифали бўлган бир улуғвор зот сифатида гавдалантириши ўқувчи қалбида унга нисбатан чуқур ҳурмат ва муҳаббат туйғусини уйғотади. Сиёсий можароларни тинчлик йўли билан ечиш ва юз берган қўзғолонларни одилона тадбирлар орқали тўхтатиш Навоийнинг мисли кам бўлган сиёсий раҳбар эканлигини исботлаб беради.

Тўғри, ҳозирги давр мезонлари асосида фикр юритадиган бўлсак, романнинг айрим саҳифаларида тоталитар тузум мафкурасининг таъсири сезилади. Масалан, фан-маданият ҳомийси, ўзбек мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси Султон Ҳусайн Бойқаро образи ана шу мафкура асосида яратилган. Бироқ бундай камчиликлар романнинг аҳамиятини асло пасайтирмайди.

Ўзбек романчилигининг ўрнаги (Мақсуд Шайхзода) бўлган Ойбекнинг «Навоий» романи миллий адабиётимизда тарихий-биографик жанрни бошлаб берганлиги билан ҳам узоқ йиллар ўз қимматини сақлаб қолиши шубҳасиздир.

МУЛОҲАЗА

ҒАЗАЛ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ?

Мумтоз адабиётимизда муҳим мавқе эгаллаган, кенг тарқалган лирик жанрлардан бири ғазал эканини биламиз. Ҳазрат Навоийнинг биргина "Хазойин ул-маоний" куллиётида 2600 та ғазал бор. Аруз тизими асосида шаклланган ғазал бошқа шоирларимиз ижодида ҳам равнақ топди, улар лирикани ўзбек адабиёти тарихида шу жанр орқали бадиий санъаткорлик намуналари билан бойитдилар.

Халқнинг, адабиёт шинавандасининг ҳам қадимдан ғазалга бўлган меҳри бўлакча эди. Гўё ҳамма ғазалнавис ва ғазалхон. Ойбекнинг "Навоий" романида шундай сатрлар бор: "Қаён борсанг, бир шоирни кўрасан: ҳар ерда — масжидда, мадрасада, бозорда, ошпазхонада — ғазалхонлик ва ғазал жанжали...".

Ғазал ўқувчи (ғазал айтувчи), яъни ғазалхоннинг ўзига хос ўрни-обрўси бўларди. Ифодали ғазал ўқишни ҳамма ҳам уддалолмас, ёқимли овознинг ўзи етарли эмасди. Устоз кўришни, таълим олишни талаб этарди бу иш. Асосан, тўрт-бешдан етти-саккиз байтгача бўлган, бир олам маънони гўзал бир шаклда мужассам этган ғазал қандай ўқилади? Турли бахрларда битилган ғазални нега ҳар ким ҳам маромига етказиб ўқий олмайди?

Талабалик даврда ғазалхонликда "ношуд" эдик. Кўпинча халқ куйлари ва мақомларига мослаштирилгандек кўринарди бу жанр. Ортиқча оҳанжама қўшиб, "жимжимадорлик"ка берилсак, "Ифодали ўқиш" фанидан сабоқ бераётган ўқитувчимиз жиғибийрон бўларди:

— Ҳой, сен ашула айтяпсанми?

Сўзнинг ҳақиқий заргари ёзган ғазални ҳамма ҳам эмас, юқорида таъкидлаганимиздек, сўз қадри ва қудратини биладиган, маъносини тушунадиган, қолаверса, ифодали ўқиш ҳадисини олган кишигина ўрнига қўйиб ўқиши мумкинлигини ўша дамлар англаган эдик. Бу борада устозимизнинг ўзи намуна бўлар — классикларимиздан айрича меҳр ва қироат билан ўқир, биз ҳузур қилардик.

Биринчидан, маъносини чуқур тушуниб етмай, ғазал қироат қилиб бўлмайди. Иккинчидан, ўқиш жараёнида ҳар бўғин ё бирикмага, ҳар рукнга беэътибор бўлмаган, сўзнинг асл талаффузига қатъий риоя этган ҳолда ғазалхонлик қилиш керак.

— Мактабда таҳсил олаётган пайтимда Навоийни ўқишга қийналардим, — деб хотирлаганди атоқли олим, академик Азиз Қаюмов. — Кунларнинг бирида Ҳамзахон устозимиз Қўқондаги рабфакда дарс бериб юрган Пўлат исмли домлани синфга бошлаб келдилар. Пўлат домла Навоий тўғрисида икки соат дарс ўтдилар. Навоийнинг ғазалларидан шу қадар чиройли қироат билан ўқидиларки, юрагимга бу сеҳрли оламдан учқун тушди. Шу кундан бошлаб, Навоийни ўрганишга киришиб кетдим.

Ўзбекистон радиосининг машҳур диктори Қодир Махсумовнинг кўтаринки ва лирик оҳангда ғазаллар ўқиши ҳамон эсимизда. Ширали овози ҳар ғазалга ўзгача жозиба бахш этар, қироат баробарида ғазалхонлик сирларини шогирдларига қунт билан ўргатарди. Унинг таълимини олган диктор Насиба Қамбарова Ўзбекистон телевидениесида "Ғазалхонлик" кўрсатувларини тайёрлаб, шеъриятга ошно қалбларни ўзига ром этди.

Кейинчалик режиссёр Раҳматжон Жумаев Ўзбекистон радиосида ғазалхонлик рукнини ташкил қилди, ғазалхонликка бир қатор сўз усталари жалб қилинди. "Ғазал бўстони" кўрсатувининг ташкил этилиши ҳам ғазал шайдоларини ўзига тортди. Навоий ғазаллари янгради. Яхши бўлди-ку... санъат даражасидаги ғазалхонликни ҳис этмадик.

Ғазал ҳар хил мавзуда ёзилади. Турли ғоя ва мазмун-моҳият... Бу қироатда турли оҳанг садо беришини тақозо этади.

"Навоий" бадиий фильмини кўп кўрганмиз. Улуғ бобомизнинг (Раззоқ Ҳамроев талқини, Ёқуб Аҳмедов қайта овоз берган) ўта маҳорат билан ғазаллар ўқиганини эшитганмиз. Ғазалхонлик мундоқ бўпти, дегимиз келади беихтиёр. Таниқли диктор Фарҳод Бобожоновнинг ифодали ғазал ўқиши ҳам диққатга сазовор.

Қиска ва чўзиқ талаффуз қилинувчи унлилар ифодасига, ўқиш жараёнида риоя қилиниши бир тараф, иккинчи томондан ҳар сўзнинг алоҳида ранг ва ҳиди бўлгани каби, лирик каҳрамон юрагидаги дард, хиссиёт ва тасаввуротнинг ҳам ўзига хос товуши бўлади. Ҳақиқий донишманд ва санъаткоргина ғазалнинг ҳар бир сўзига ўзини, бутун борлиғини тикиб, ғазалхонликни ўрнига қўяди. Унинг қироатидан тингловчи сел бўлиб кетади.

Шеър ўқишнинг ўзи бир санъат. Ғазал ўқиш эса — санъаткорлик билан қилинган қироатдир.

Муҳаммад ШОДИЙ

СЎЗЛАР БИЛАН СЎЗЛАШУВ

ЛУКОВ ВА ИДИЕВГА САЛОМ!

Ўсмирлик йилларимда қишлоғимиздаги одамлардан иккитасининг фамилияси мени ажаблантирарди. Бирови – Луков, бирови – Идиев. Идиев сариқ тусли одам бўлиб, ҳатто қошлари ҳам, сочлари ҳам сариқ эди. Лекин соф ўзбек эди. Исми – Жаббор. Колхоз фаолларидан бўлгани учун ҳамма у кишини фамилияси билан Идиев деб чақирарди, исмини айтишмасди. Бу одамнинг фамилиясини мен рус тилидаги "Иди" – "бор" феълидан бўлса керак деб ўйлардим. Лекин ўзи ўзбек бўлса, нима учун фамилияси русча деб ажабланардим. Кўриниши русларга ўхшагани учун шундаймикан, деб ҳам ўйлаганман. Қарангки, мен "иди" сўзининг маъносини якинда билгандай бўлдим. "Иди" сўзи қадимги тилимизда "ҳоким" деган маъноні англатар экан. "Култегин" битиктошида "Ўтукан йишда йиг иди йўқ эрмиш", яъни "Ўтукан йишда яхши ҳоким йўқ эмиш" деган жумла келади. Демак, "Идиев" дегани "Ҳокимов" дегани экан. Мен билган Идиевнинг фамилияси русча деб юрсам, аслида бу фамилия йўқ бўлиб кетган битта сўзимизни ўзида олиб юрган экан. "Қутадғу билиг"да "Китаб идиси ўз узрин айур", яъни "Китоб эгаси ўз узрин айтур" деган гап борки, унда "иди" сўзи "эга" маъносида келади.

Луковнинг кўриниши Идиевга ўхшамас эди. Баланд бўйли, кенг яғринли, кўзлари катта-катта, қоракош, қорасоч одам эди. Лекин бу кишининг ҳам фамилияси русча эди. Мен Луковни Пиёзов бўлса керак деб ўйлаганман. Кейин билсам, бу киши Луковмас, Лўков экан. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "лўк" сўзига шундай изоҳ берилади: ЛЎК (ф.Калта юнгли, юк ташувчи туя.) Боши кичикроқ, бўйни узун бир ўркачли катта туя, етакчи туя. Қаторига тиркалган лўк билан норча, устига юкланган қирмизи парча. ("Алпомиш"дан).

Энди шунча йиллар узоқда туриб, уларга "Салом, Идиев! Салом, Лўков!" дегим келади.

РАНГИ ЎНГИБДИ

"Ўнгимоқ" деган сўз тилимизда ранги йўқолмоқ, асл рангги ўзгармоқ, туси ўчмоқ маъноларини англатади. Бирор матонинг ранги ўчиб қолган бўлса, ўнгиб кетибди деймиз. Нима учун "ўнгибди" деймиз? Қадимги туркий ёдгорлик "Олтун ёрук" битигида "рангсиз" сўзи "ўнгсиз"("öнсуз") деган сўз билан ифодаланган. Мен бу сўзни кўриб, наҳотки, "ўнг" сўзи ранг маъносини англатган бўлса, деб ўйлаб қолдим.

Маҳмуд Кошғарий "öн" сўзи "олд", "ўнг томон" маъноларини англатиши билан бирга "ранг" маъносида ишлатилишини ҳам таъкидлайди. Бобомиз яшил рангли тўнни "Јашил öнlўк тон" дейди. У ҳолда нега ранги ўчган матони "ранги ўнгибди" деймиз? Бир карашда "ўнгибди" дегани "рангибди" дегандай гап-ку. Менингча, "ўнгибди" "ўнг ебди", "ранг ебди", рангини еб қўйибди маъносидан келиб чиққан бўлса керак.

ҚЎЙНИНГ ҚИЙИ

Тилимизда қўйнинг тезаги, қумалоғини "қий" дейишади. Бу ҳозиргача бор. "Қўй кўрмаган бўлсак ҳам, қий кўрганмиз" деган мақолни эшитган бўлсангиз керак. Қўй қийидан энг яхши маҳаллий ўғит ва ўчоққа ёқилғи сифатида фойдаланишади. Қийнинг чўғи қип-қизил ва тез ўчмайди, яхши иссиқлик беради. Чўпонлар қора уй ўртасидаги ўчоққа қий ёқишиб, ўчоқни ловуллаб турган қип-қизил қий чўғига тўлдиришиб, устига сандал қўйиб қаҳратон совуғидан ўзларини, болаларини сақлаганларини кўрганман. Қадимда одам ахлатини ҳам "қий" дейишган экан. Бундан 1100 йил муқаддам ёзилган "Олтун ёрук" битигида шу маънода "қиғ" сўзи ишлатилган. Тилимизда "ғ" товушининг "й"га айланиш ҳодисаси бор. Қолаверса, ҳозир ҳам чақалоқлар иштонини булғаб қўйса, оналари "қиға қипти", "қиха қипти" деб эркалатишади. Чақалоққа кўз тегиб қолмасин деган маънода, гўё уни ёмонлагандай бўлишиб, "қиға-қиға" ёки "қиха-қиха" дейишади. Мен оналаримиз она тилнинг асл сўзларини қандай сақлаб келаётганидан ҳайратланаман. Уларнинг ўзлари тушунмай болаларини "қиға қипти" деб эркалаётганларида аллақачонлар ўлиб кетган "қиғ" сўзини тилларида тирилтираётганларига гувоҳ бўлганман.

Маҳмуд Кошғарий "қиғ" сўзини "Ерни бўшатиш, юмшатиш учун фойдаланиладиган гўнг" деб изоҳлаган.

Эшқобил ШУКУР

Ўзбек бадиий маданиятининг катта қисми дунёдаги машҳур музейлар ва хусусий кишилар қўлида сақланиб келади. Шундай даргоҳлардан бири Москвадаги Шарқ музейидир.

Наим КАРИМОВ,
академик

УНУТИЛГАН ХАЗИНА

Музейнинг ташкил топиши

Дастлаб "Ars Aziatica" деб аталган бу музей 1918 йил 30 октябрда Москва шаҳрида ташкил этилган. Миллий республикалардан таркиб топган совет давлати барпо этилганидан сўнг, СССР пойтахтида Шарқ халқларининг марказлашган музейини ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилган. Ўша кезларда Маориф халқ комиссарлигининг Марказий музейлар бўлими ҳузурида "Италия тимсоллари" ("Образы Италии") китоби билан довруғ қозонган санъатшунос Павел Муратов раҳбарлигида махсус комиссия тузилган. П.Муратовнинг шундай музейни яратиш ғояси атоқли музейшунос ва санъатшунос олим Игорь Грабар томонидан қўллаб-қувватланган ва орадан кўп ўтмай, "Ars Aziatica" музейини ташкил этиш ҳақида ҳукумат қарори чиққан.

Дастлаб давлат Тарих музейи хоналарига жойлаштирилган музей 1918 йилдан 1929 йилгача бўлган даврда Тарих музейи, кейин Марказий элшунослик музейи, сўнгра Кропоткин соҳилидаги Цветков галереяси биноларида фаолият олиб боради. Музейга Фёдор Гогель раҳбарлик қилган йилларда ерлилаштириш совет давлати маданий сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлгани учун музей экспозицияси СССР таркибидаги Шарқ халқлари санъати намуналари асосида шакллантирила бошлайди. 1925 йили музей "Шарқ маданиятлари давлат музейи" мақомида фаолиятини давом эттиради. 1929 йили эса музей собиқ Илия пайғамбар черковига кўчирилади. Музей ходимлари ўз мулкларига эга бўлганларидан сўнг, ниҳоят, тўлақонли ишлаш имкониятига эга бўладилар. Музей 1930 йили давлат қарамоғига ўтиб, илк кўргазмаларини намойиш эта бошлайди.

Россия тарихидан шу нарса маълумки, 1787 йили рус архитектори Е.С.Назаров Путятин фамилияли князлар учун уч қаватли қаср қурган. 1802 йили декабрист М.С.Луниннинг амакиси генерал-лейтенант П.М.Лунин бу қасрни теварак-атрофдаги ерлари билан сотиб олган. Аммо 1812 йили Франция – Россия уруши кунларидаги ёнғин вақтида маҳобатли бино вайронага айланиб, ундан фақат ертўлагина омон қолган. Орадан икки йил ўтгач, шу бино ўрнида икки қаватли янги иморат қад кўтаради ва Лунинлар оиласи шу бинога кўчиб ўтади. 1821 йили Тижорат банки шу бинони Лунинлардан сотиб олади. 1917 йили эса тарихий бино йўқсиллар давлати фойдасига мусодара этилади.

Бино тарихига тўхталганимизнинг боиси шундаки, 1970 йили Москва шаҳар совети ижроия комитетининг қарори билан "Шарқ музейи" экспозицияси Москва шаҳри, Никита бульвари, 12-уйдаги собиқ "Лунинлар уйи"га жойлаштирилган.

Музей экспозициясининг шаклланиши

Музей тарихининг дастлабки даври совет давлатининг рус ва хорижий сармоядорларга қарашли бинолар, магазинлар ва банкларни мусодара қилиб, эгаларини отиб ташлаган ёки бадарға қилган аянчли йилларга тўғри келган. Давлат бойлар ва сармоядорларнинг маблағи ҳисобига қурилган ва улар истиқомат қилган биноларни мусодара этибгина қолмай, бу бинолардаги муҳташам залларни безаб турган тасвирий ва амалий санъат асарларини ҳам миллийлаштириб, уларнинг бир қисмини Шарқ музейига берган. Музейнинг шу кунлардаги бош директори, тарих фанлари доктори Александр Седовнинг озарбайжонлик журналистга берган интервьюсидан маълум бўлишича, Озарбайжон ва Закавказье коллекцияларидан иборат дастлабки экспонатлар музейга Липперт ва Петросов фирмасининг мусодара этилган гилам магазинлари, "Шимолий компания"га қарашли омборхоналар ва машҳур "Aux Amaturs" антиквар магазинидан келиб тушган. Ўша йилларда Москва ва Петроградда бундай магазинларда ўзбек амалий ва тасвирий санъатига оид асарлар ҳам оз бўлмаган.

1919 йили музейнинг биринчи доимий экспозицияси Тарих музейининг икки залида очилган вақтда миллий республикалар санъати намуналари ҳали тўпланиб улгурилмаган эди. Шунинг учун ўша йили музейда фақат Хитой, Япония ва Эрон санъатига оид материалларгина намойиш этилган.

Тахмин қилиш мумкинки, Шарқ музейи ташкил этилиши билан Москва шаҳар советининг ижроия комитети ва Маориф халқ комиссарлигининг Марказий музейлар бўлими Ўрта Осиё ва Кавказдаги миллий республикаларга, жумладан, Ўзбекистонга мазкур музей экспозициясини миллий тасвирий ва амалий санъат асарлари билан бойитишда ёрдам беришни илтимос қилган. Музей ходимлари 1924 йилдан бошлаб Узоқ Шарққа, 1926-1928 йилларда эса Ўзбекистонга бир неча бор илмий экспедицияга борганлар. Музейнинг ўша йиллардаги директори Борис Денике раҳбарлигидаги уч археологик экспедиция Эски Термиз шаҳрига келиб, XII асрдаги сарой ва бошқа меъморий обидалар жойлашган жойда қазиш ишларини олиб борган ва топилган нодир материалларни музейга олиб кетган.

1930-1940 йилларда музей илмий марказ сифатида ривожланади ва музей раҳбарияти совет республикаларидаги миллий халқлар санъати намуналарини тўплаш ва ўрганишга алоҳида эътибор беради.

Ҳоди Зариф ва Иззат Султон сингари устозларнинг Фитрат домладан олган маълумотларига қараганда, 20-йиллар охири – 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонга келган музей ходимлари маҳаллий музей фондларидан кўплаб санъат асарларини олиб кетишган. 1934 йилнинг май ойида ўтказилган Иттифоқ ёзувчиларининг I съезди арафасида эса Москвадаги М.Горький номидаги Маданият ва истироҳат боғида "СССР халқлари адабиёти" кўргазмаси ташкил этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Раҳмат Мажидий кўргазманинг "Ўзбек адабиёти" бўлими учун материалларни йиғиш ва уларни Москвага олиб бориш вазифасини Абдулла Қодирийга топширган. Абдулла Қодирий Эски шаҳардаги саҳҳофларнинг дўконларини айланиб, улар қўлидаги ноёб қўлёзма ва босма китобларни Зиннат Фатхуллин билан бирга Москвага олиб бориб берган. Бу ноёб китобларнинг кейинги тақдири ҳанузга қадар, номаълум бўлиб келади. Бу китоблар ёки уларнинг бир қисми Шарқ музейи ихтиёрига берилган бўлиши мумкин.

60-йилларнинг ўрталарида камина Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари билан бирга Москвага, илмий анжуманга борганимда, манбашунос филолог олимлардан бири Солиҳ Қосимов Шарқ музейи жойлашган кўчадан ўтаётганимизда, музейни кўрсатиб: "Маданий бойликларимизнинг ноёб бир қисми шу ерда сақланади", деган эдики, бу сўзлар ҳамон қулоғимда жаранглаб туради.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Киев, Одесса, Львов, Минск шаҳарларидаги музейлар ўз вақтида ёки тўла эвакуация қилинмаган ва шу сабабли катта талафот кўрган. Шу шаҳарлардаги музейларда оғир вазиятнинг юзага келгани боис, СССР Санъат ишлари бошқармаси (кейинчалик СССР Маданият министрлиги) шу ерлардаги экспозицияларни, Шарқ музейи коллекциясидаги экспонатлар – санъат асарлари билан тўлдириш ҳақида буйруқ чиқарган. Натижада, Шарқ музейида тўпланган ва сақланаётган ўзбек санъатининг айрим намуналари ҳам шу музейлар балансига ўтказилган ёки ўтказилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хуллас, Шарқ музейи, айтиб ўтганимиздек, 1962 йилда Шарқ халқлари санъати давлат музейи номини олади. 1960-1970 йилларда музейга биринчи тоифали илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилади. 1991 йили эса музей биноси ноёб иншоот сифатида Россия маданий мероси объектлари рўйхатига киритилади.

Ташкил этилган кунининг 100 йиллиги нишонланган 2018 йилда музей жамғармасида жами 1600 мингдан зиёд санъат обидалари тўпланган бўлиб, улар рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари, маиший турмуш буюмлари, кийим-кечак ва қурол-аслаҳалардир.

Сўнгги йилларда музей экспозицияси Япония, Хитой, Эрон, Корея, Вьетнам, Ҳиндистон, Бирма, Лаос, Таиланд, Камбоджа, Индонезия ва Мўғулистон санъати намуналари билан ҳам бойитилган.

Музейдаги ўзбек санъати намуналари

Музей ҳақидаги адабиёт (маълумотномалар, энциклопедиялар ва ҳ.к.)ларда музей экспозициясида намойиш этилаётган ёки захирахоналарида сақланаётган амалий санъат асарлари орасида Ўзбекистондан келтирилган гиламлар, сўзаналар, маиший турмуш буюмлари тўғрисида маълумот учрамайди. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" (10-жилд, 630-бет)да эса бизни қизиқтирган масала бўйича фақат қуйидаги сўзлар ёзилган: Шарқ музейида "Ўрта Осиёда яшаб ижод этган Л.Л.Буре (Самарқанд), А.Н.Волков, А.Н.Николаев (Усто Мўмин), П.П.Беньков (Тошкент) каби рус рассомлари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон тасвирий санъати вакилларидан Б.Нурали (туркман), А.Кастеев (қозоқ), Ў.Тансиқбоев каби рассомлар, шунингдек, халқ санъати анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган усталарнинг амалий санъат асарларидан иборат бой коллекция мавжуд".

Музей экспозицияси шаклланган 20-йилларда Ўзбекистоннинг маданий бойлиги, айниқса, меъморий обидалар, халқ амалий санъати намуналари ўта ночор аҳволда эди. Агар бу обидалар, бир томондан, мустамлакачилик давридаги қаровсизлик, иккинчи томондан, инқилоб йилларидаги хўжасизлик оркасидан вайрон қилинган бўлса, халқ амалий санъати намуналари большевизм даврида, айниқса, талон-тарож қилинган. Кўп асрлик ўзбек халқи маданияти обидаларини сақлаб қолиш учун 1924-1925 йилларда Ўзбек билим ҳайъати ва осори-атиқа комитетлари тузилган. Марказдан шарқшунос, санъатшунос ва музейшунос олимлар таклиф этилган. Ўзбекистонда тасвирий санъатни ривожлантириш учун Россия шаҳарларидан бир гурух рассомлар чақириб олинган. Улар ўлкамизда маданий бойликларни асраб қолиш ва янги санъат турларини ривожлантириш билан бирга Шарқ музейи билан ҳамкорлик ўрнатиб, унинг экспозициясини Ўзбекистон санъати асарлари билан бойитиш лозимлигини ҳам унутмаганлар. Шу тарзда 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Шарқ музейи экспозицияси Ўзбекистон санъати намуналари билан-да бойий бошлаган.

Агар атоқли санъатшунос олимлар Г.А.Пугаченкова ва А.И.Ремпелнинг "Ўзбекистон санъатлари тарихи" ("История искусств Узбекистана"), Г.Пугаченкова ва О.Галеркинанинг "Ўрта Осиё миниатюралари" ("Миниатюры Средней Азии") альбомларини варақласангиз, ўша йилларда яратилган ўзбек санъати намуналарининг муайян қисми Шарқ музейида сақланаётгани кундек равшан бўлади. "Ўзбекистон санъатлари тарихи" альбомидаги зарварақлардан бирида сопол идиш тасвирланган бўлиб, ҳозир Шарқ музейида сақланаётган бу буюм XI-XII асрларда Самарқандда ишланган. Шу китобнинг оқ-қора расмлардан иборат иллюстрация қисмида эса аҳамонийлар даврига оид Самарқандда ишланган кичик ҳайкалчалар, милодгача бўлган III-II асрларга оид "Кампирнинг боши" (терракота), шу даврга оид сувдон бўлаги, милодий даврнинг бошларига оид "Эркак кишининг боши" (лой), шу даврга оид оссуарий ҳайкали (терракота), метал буюмларни қуюш учун қолип (тош), 1862 йилда ишланган Имомқулихон портрети (Хожа Муҳаммад Мусаввир асари) каби санъат асарларининг тасвири берилган.

"Совет Ўзбекистони санъати" альбомидан ўрин олган XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бухорода ишланган "Адрас", ўтов тасмалари, П.Беньковнинг "Дугоналар" ("Фронтдан хат") картинасининг ҳам ҳозирги манзили Шарқ музейидир.

1934 йил 24 сентябрда Москванинг Кузнецкий мост (Темирчилар кўприги) даҳасидаги 11-уйда тарихда биринчи марта Ўзбекистон рассомларининг кўргазмаси очилган. "Мен Ўрол Тансиқбоев билан, — деб ёзган эди рус санъатшуноси Б.В.Веймарн "Дўст ҳақида хотиралар" ("Воспоминания о друге") ёдномасида, — кўргазмага тайёргарлик бораётган чоғларда танишганман. Кўргазма очилишидан бир йил аввал ўша вақтда хизмат қилганим – Шарқ маданиятлари давлат музейига картиналар солинган яшиклар олиб келинган. Картиналарни кўздан кечириш ва экспозицияга тайёрлаш учун, айниқса, Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан, А.Подковирёв, П.Шчеголев каби рассомлар тез-тез келиб туришарди. Биз, музей ходимлари – В.Чепелев, Н.Черкасова ва мен бу рассомлар билан уларнинг асарлари ҳақида, Совет Ўзбекистони рассомларининг катта-кичик дарду муаммолари ҳақида суҳбатлашиш имконига эга бўлганмиз…

…Ўзбекистон рассомлари ва москваликлардан иборат ҳакам марказий ўринни якдиллик билан Тансиқбоевнинг ишларига берган. Махсус мато билан ўралган катта стендда ўнта асар икки қатор қилиб қўйилган, улар орасида ҳозир ҳаммага яхши маълум ва машҳур "Кўчманчилар қароргоҳи", "Қадрдон овулда", "Қоплонбек совхозида мева териш" ва бошқалар бўлган. Экспозицияга "Колхоз", "Аёлнинг паранжини ташлаши", "Босмачи ушланди", "Байналмилал" (сўнгги асар Атан-Пой тахаллуси билан А.Подковирёв билан ҳамкорликда ишланган) каби монументал расмлар учун чизилган ўткир композицияли эскизлар ҳам намойиш этилган".

Яна шу муаллифнинг ёзишича, кўргазма москвалик томошабинлар ва бадиий мунаққидлар ўртасида зўр муваффақият қозонган. "Кўргазма, – давом этган Б.В.Веймарн, – Ўзбекистонда кечаётган ҳаёт ва ҳушнуд бўёқлар билан тўла янги рангтасвир санъати оламини кашф этиш имкониятини берган".

Шу кўргазмадан сўнг, Шарқ музейи Ў.Тансиқбоевнинг бир неча асарларини сотиб олади, икки картинаси эса 1934 йил декабрида Филадельфия (АҚШ)да очилган "Совет Россияси санъати" кўргазмаси таркибига киритилади. Ўрол Тансиқбоевнинг бу катта муваффақияти эътиборсиз қолмайди. Файзулла Хўжаев раис бўлган республика Халқ Комиссарлари Совети 1934 йил 17 майдаги 436-сонли қарори билан Ўрол Тансиқбоевни "меҳнаткашлар оммаси ўртасида тасвирий санъат ва бадиий ижодни ривожлантириш", шунингдек, "ижодий ишнинг янги шаклларини эгаллаган санъаткорларни кейинги самарали ишларга рағбатлантириш мақсадида" 2000 сўм пул мукофоти билан тақдирлаган. Рассомга шу мукофотнинг берилишида унинг "Сельмаш заводи", "Олмазор совхоз", "Колхоздаги болалар яслиси", "Ўрта Осиёдаги инқилоб" ва бошқа асарлари назарда тутилган. Яна шу манбадан аён бўлишича, Ў.Тансиқбоев орадан беш йил ўтгач, 1937 йилда ҳам "Шарқ музейи"даги кўргазмада мой ва гуашда ишланган бир неча асарлари билан иштирок этган.

"Ўрол Тансиқбоев. Хотиралар, ҳужжатлар" ("Урал Тансыкбаев. Воспоминания, документы", Тошкент, 1988) китобида берилган "Асосий асарлар рўйхати"дан маълум бўлишича, Шарқ музейида рассомнинг қуйидаги асарлари сақланади: "Х.Тошканбоев портрети" (1927), "Кўчманчилар қароргоҳи" (1931), "Бола тасвирланган пуштиранг манзара", "Қишлоқ отряди босмачиларга қарши курашда", "Қадрдон овулда" (1933), "Чирчиқ водийси" (1940), "Суғориш" (1942), "Севгилим ҳақида қўшиқ" (1947), "Ўзбекистонда баҳор", "Иссиккўл" (1950), "Тахиатошда" (1951), "Қайроккус ГЭСида тонг" (1957), "Хўжакентдаги Чирчиқ" (1958), "Тоғдаги йўл" (1962).

Ўтган асрнинг 30-50-йиллари Ўзбекистон тасвирий санъатини Усто Мўмин (А.В.Николаев)сиз тасаввур қилиш қийин. У юқорида номлари қайд этилган рассомлар билан бирга Шарқ музейи билан яқин алоқада бўлган ва унинг "Анор", "Оқ саллали ўспирин", "Куёв", "Бой", "Оқ олтин", "Уста Насриддин Шоҳайдаров" сингари ажойиб асарлари ҳам Шарқ музейи томонидан сотиб олинган ёки музейга рассом томонидан армуғон қилинган.

Шарқ музейи экспозициясининг яратилиши ва бойишида бошқа ўзбекистонлик рассомлар ҳам ўзларининг энг яхши асарлари билан қатнашганлар. Ўзбек санъатининг олис ва яқин даврларда яратилган кўплаб намуналари дунё музейлари ва хусусий коллекцияларда сақланиб келади. Бу асарларнинг бир қисми суронли замонларда олиб кетилган бўлса, бошқа қисми муаллифларнинг хоҳишлари билан шу музейлар, жумладан, Шарқ музейи тасарруфига ўтказилган.

Халқимиз ўз бадиий маданиятининг хорижий музейлардаги намуналарини вақти-вақти билан кўриб, улардан эстетик завқ олиши, уларни яратган тасвирий ва амалий санъат намояндалари хотирасини эъзозлаши, уларни миллий маданиятимизнинг узвий қисми сифатида билиши ва қадрлаши лозим. Қани энди Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги бу музейлар, жумладан, Шарқ музейи билан ҳамкорликда шу музей коллекциясидаги ўзбек санъати намуналарининг Ўзбекистон шаҳарларида кўчма кўргазмаларини ташкил этса. Қани энди "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ёки "Ўзбектелефильм" студияси "Шарқ музейидаги ўзбек санъати дурдоналари" номли ҳужжатли фильмни суратга олиб, "зангори экран" орқали ўқтин-ўқтин намойиш этиб турса...

САНЪАТКОРНИНГ ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Тақдир атоқли ўзбек актрисаси Сора Эшонтўраевага деярли бутун ҳаёти давомида юртимиз бош театрининг етакчи актрисаси бўлиш бахтини ато этди. Актриса саҳнадаги етмиш йиллик ижоди давомида юздан ортиқ бетакрор образ яратди. Унинг ижоди ҳиссиётларнинг ҳаққонийлиги, самимийлиги, соддалиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналарида ажойиб образларни муваффақиятли гавдалантирди, Шекспир қаҳрамонларининг маҳоратли ижрочиси сифатида шуҳрат қозонди, "Отелло"да Дездемона, "Ҳамлет"да Офелия, "Ромео ва Жульетта"да Жульетта, "Қирол Лир"да Гонорелья сингари образлар актриса ижодида алоҳида саҳифа очди. Айниқса, актриса ижросидаги Офелия жозибаси ва поэтик руҳи билан эътиборни тортади. Ўзининг осуда, бахтли ва рангин ботиний дунёсига шўнғиган маъсума Офелия баайни мумдай эриб, абадий уйқуга кетади. Актрисанинг Шекспир фожиаларидаги иккинчи машҳур образи — Дездемонада Эшонтўраеванинг лирик истеъдоди намоён бўлади, унинг маҳорати енгил ҳаракатларда, қаҳрамони кечинмаларининг чуқур ифодасида акс этади. Шу тариқа ўзбек актрисаси буюк инглиз драматурги асарларидаги ёркин аёллар образини фожеий руҳ, лирик тароват билан талқин этади. Ҳануз ўзбек саҳнасининг классик спектакллари сифатида яшаб келаётган Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" асарида Жамила, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" драмасида Гули, Ҳамид Олимжоннинг "Муқанна"сида Гулойим сингари бош образларни ижро этди. Шунингдек, Шиллернинг "Макр ва муҳаббат" трагедиясидаги Луиза, Пушкиннинг "Тош меҳмон" фожиасидаги донна Анна, Островскийнинг "Момақалдироқ" асаридаги Катерина образлари ҳам актрисага катта муваффақият олиб келди.

Санъаткор ижодининг дастлабки ўн йиллигида асосан лирик, ижобий қаҳрамонларни гавдалантирди. Вақт ўтгач, саҳнавий образлари ранг-баранглашиб борди. Жазоирлик адиб Муҳаммад Дибнинг "Жазоир — менинг Ватаним" романи асосидаги спектаклда тутқунликда ҳаёт кечираётган, мазлума, бева аёл Айни образини ўзгача эҳтирос, чақноқ руҳ билан ижро этган. Япон драматурги Маримото Каорунинг "Аёл ҳаёти" пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклда шафқатсиз, ваҳший Сидзу образи томошабинлар хотирасида узоқ вақт муҳрланиб қолди. Америкалик драматург В.Дельмарнинг "Бундан буёғи сукунат..." асаридаги она образи ҳам Сора Эшонтўраева ижодида алоҳида босқич бўлди. Актриса ушбу мураккаб ролларни поэтик самимият, ёркин ифодавийлик билан ижро этди. Классик асарларда, ўзбек драматургиясидаги аёллар образида Эшонтўраева қаҳрамонлари руҳий оламининг нозик жиҳатларини очиб беради.

С.Эшонтўраеванинг жамоат ишларидаги фаолияти ҳам эътирофга лойиқ. У Ўзбек Миллий академик драма театрида директор, Ўзбекистон Театр жамияти раиси, Давлат мукофоти бўйича қўмита аъзоси сифатида самарали меҳнат қилди. Сирасини айтганда, Сора Эшонтўраева ижоди ўзбек театрининг яхлит бир даврини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти томонидан Сора Эшонтўраеванинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи "Ҳаётимни варақлаб..." ("San'at" журнали нашриёти, 2019) номли китоб ана шу улуғ санъаткор ҳақидаги мемуарлардан ташкил топган бўлиб, унда актрисанинг ҳаёти муайян хронология асосида ёритилган. Айниқса, воқеаларнинг актриса тилидан ҳикоя қилиниши хотираларнинг табиий ва ҳаққоний, ишонарли чиқишини таъминлаган. Ўқувчи мутолаа давомида санъаткор ижодининг янги қирраларидан воқиф бўлади, шунингдек, унинг ижоди мисолида миллий театримизнинг тарихи, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ қимматли маълумотларни олади.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Ушбу китоб қўлёзмасини Санъатшунослик институтига актрисанинг ўғли, таниқли олим, фан доктори Гога Ҳидоятов тақдим этди. Институт директори, тарих фанлари номзоди Шокиржон Пидаев қўлёзма билан танишиб чиқиб, уни нашрга тайёрлаш учун "Театр ва хореография" бўлимига топширди. Таъкидлаш ўринлики, актрисанинг мемуари устида кечган иш жараёнига имкон қадар эҳтиёткорона муносабатда бўлинди, воқеаларнинг тадрижи, давр руҳи ва муҳитини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Китобга санъатшунослик фанлари доктори Элдор Мухторов масъул муҳаррирлик қилган. Уни институт докторантлари Ш.Абдурасулов ва Ч.Ҳамидова нашрга тайёрлади.

Мазкур мемуар китоб театршунослар, саҳна педагоглари, тадқиқотчилар, талабалар ва ўзбек театр санъатига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган. Китоб миллий театримиз тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

КЎНГИЛЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида буюк сиймолар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Тадбирда шоир ва ёзувчилар, навоийшунос ва бобуршунос олимлар, Туркия ҳамда Афғонистондан келган бир гуруҳ ижодкорлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид тадбирни очиб, адабиётлар ва маданиятлар ҳамкорлиги бугун тарихан ёнма-ён мамлакатлар ўртасидаги турфа хил алоқаларни мустаҳкамлашга самарали хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Президентининг яхши қўшничилик сиёсати туфайли ижодкор зиёлиларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларида янги саҳифалар очилмоқда. Айни чоғда Туркия ва Афғонистонда икки буюк даҳоларимизнинг адабий меросини ўрганиш, асарларини таржима қилиш борасида кўп ибратли ишлар қилинаётгани ғоят қувонарлидир.

Туркияда таҳсил олган таржимон Ҳамидуллаҳ Тадаш ўз сўзида бугун жаҳонда кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнлар, мустақилликка эришган мамлакатларда миллий қадриятларни эъзозлаш, тарихни ўрганиш ва ўзини англашга доир интилишлар кучаяётгани, миллий, умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ҳақида фикр юритди. "Адабий, маданий-маънавий асарлар ва бойликларни сақлаб қолиш, ўзбек халқи тарихи ва адабиётига оид асар, ҳужжат ва бошқа илмий манбаларларни Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейига жамлаш зарур", деб таъкидлади у.

Афғонистонлик ижодкорлар адабиётшунос олим Саййид Ҳожиддин, Тошқин Баҳойи "Афғонистон ва Мирзо Бобур" мавзусида сўзладилар, Фороб давлат университетининг ўзбек тили факультети ўқитувчиси Муҳаммад Ашраф Шарифий Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳммад Бобур ғазалларига ёзган мухаммасларидан ўқиб берди. "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев миллатдошларимизнинг сара асарлари журналхонлар ҳукмига ҳавола этилишини маълум қилди.

– Афғонистоннинг Қундуз вилояти Имомсоҳиб туманида туғилганман, – деди Ҳамидуллаҳ Тадаш. – Мактабни тугатиб, Қобул университетда турк тили ва адабиёти бўйича ўқидим. Кейинчалик Туркияга бориб Гази Университетида таҳсил олдим. Кўпчилик афғонистонликлар икки–уч хил тилларни билишади. Мен ҳозирда форсий, пуштун, ўзбек, қозоқ, турк ва озарбайжон тилларини биламан. Ўзбек тили грамматикасини ўрганиб, баъзи асарларни турк тилидан ўзбек тилига таржима қиляпман. Бизда ёшларнинг таҳсил олишга иштиёқи баланд. Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда тинчлик барқарор бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлари бизни қувонтиради. Тинчлик бўлса, борди-келдиларимиз янада кучаяди.

Мунира РАМАЗОНОВА

ҲАҚИҚИЙ МУТОЛАА СОҒИНЧИ

"Умрнинг ўтиб кетган бебаҳо лаҳзаларини, пайти келиб, тилло бериб ҳам тополмайсан", дер эди бобом. Бу сўзнинг нақадар қадрлилигини йиллар ўтиб боргани сайин фаҳмлаяпман. Болалик чоғларимда Мустафоқул исмли қўнғир отли почтачи "жўрам" бўларди. Ёши отамдан-да, каттароқ у одамга нега бу қадар меҳрим тобланганини ҳануз англаёлмайман...

Остида салобатли қўнғир от, хуржунининг икки кўзи тўла газета-журнал, ҳар бир хонадон эшиги олдида от қадамини секинлатади. Мустафоқул ота дафтарини очиб кўз югуртиради. Ҳа, бу тарих фанидан дарс бергич Сармесов домла хонадони, у дунёнинг барча ахборотларидан хабардор одам. Жуда кўп китоб ва газета ўқийди. Дунёнинг қайси бурчагида нима бўлаётганидан илк бор Сармесов домла хабар топади. Шунинг учун ҳам газетанинг кўпини у олади. Ҳозир ҳам бир кучоқ газета олди. Унинг уйидан икки уй нари Шаҳрон чавандознинг хонадони. Уни биз томонларда ҳамма танийди. Номи чиққан машҳур чавандоз. У улоққа кирганда жонини гаровга қўйиб бўлса-да, ғолиб чиқишни ўйлайди.

– Улоқ қўлимга теккач, ўзимни унутаман. Отни қамчиламайман, унга бор маҳоратим билан овоз бераман. Шунда ҳеч ким қўлимдан улоқни узиб ололмайди. Негаки, мен ўша пайт ажал билан ёнма-ён бораётган бўламан, – дейди кекса чавандоз.

У ғирт саводсиз одам. Почтачи жўрам унинг эшиги олдида ҳам секин тўхтайди. Шаҳрон чавандоз газета ўқиёлмаса ҳам бир-иккита газетага обуна бўлиб қўйганди.

– Гоҳо олов ёкиш учун бир парча қоғозга зорикамиз, – дейди. У илмнинг тафтида исинишни хуш кўрадиган одам...

Мана бу бизнинг уйимиз, жўрамнинг келадиган вақтини билганим боис, бир четда йўлини пойлаб ўтирибман. Отам китобхон одам бўлгани боис, жуда кўп газета-журналга обуна бўлган. Айниқса, менга паншахали "Муштум" журнали ёқади. Унинг ичидаги суратларни мароқ билан томоша қиламан. Почтачи жўрам хуржундан бир даста газета ва журнални қўлимга тутқазади. Негадир унинг хуржунидан кўзимни узмай турав ераман. Сўнг жўрамдан яна биттагина журнал беришини илтимос қиламан. У ҳеч иккиланмай, "Гулистон" журналини қўлимга тутади. Кейин отининг жиловини бўшатади. Қўшнимизнинг ўғли Бахтиёр менинг ҳаракатларимни кузатиб тургани учун у ҳам почтачидан журнал сўрайди. Негадир жўрам ўзини эшитмаганга олиб кетаверади.

– Ахир, бунга бердингиз-ку? – дейди Бахтиёр дарғазаб бўлиб.

Почтачи мамнун жилмайиб:

– У менинг жўрам бўлади, – дейди...

Орадан йиллар ўтди. Менинг Мустафоқул жўрам нафақага чиқиб, қишлоғимиздан олисларга кўчиб кетди. Мен уни бошқа кўрмадим. Қишлоғимизда ҳамма уни яхши кўрарди. Ўзиям жуда беозор одам эди...

Кейин анча пайт қишлоқда отам почтальонлик қилди. Энди барча газета-журналлар бизникига келадиган бўлди. Бутун бошли оила уни тахлаш билан андармон бўлардик. Отам отда, биз акам билан иккита ҳангида хуржунларга тўлдириб газета-журнал соламиз-да, уни тарқатиш учун кишлоқ оралаймиз. Ҳар бир хонадонга матбуот кириб боради. Менинг зиммамга кўпроқ "Шарқ юлдузи" журналини тарқатиш тушарди. Уни тарқатиш ниҳоятда қийин, залворли. Ҳар куни аҳвол шу. Оилада маош оладиган биргина отамга бутун бошли оила аъзоларимиз кўмаклашади. Бошида иккита қишлоққа газета тарқатардик. Сўнг масъулиятимиз ошиб, тўртта қишлоқни "забт этдик". Ҳаш-паш дегунимизча орадан етти йил ўтди. Биз ўз касбимизнинг устасига айландик...

Бир куни отам уйга кайфиятсиз кириб келди. "Сариосиё ҳақиқати" газетасида "Ялқов почтальон" сарлавҳаси остида отамни танқид қилишибди. Мақола муаллифи оддий бир тракторчи. Эмишки, биз газеталарни ўз вақтида эгалари қўлига етқазиб бермас эканмиз. Отам қаттиқ ранжиди. Биз кўмакчиларнинг ҳам кўнглимиз хуфтон бўлди. Тинимсиз "Шарқ юлдузи" журнали ташиган эшагимга ачиндим. Бор-йўғи 70 сўм маош учун оиладан етти-саккиз киши сарсон-саргардон юрамиз. Мана, унинг берган ҳосили, хизматимиз сувга оқди. Раҳмат ўрнига...

– Керак эмас иши, — деди отам асабийлашиб, — эртанинг ўзиёқ аризамни ёзиб бераман. Кимгадир ўрним керак бўлгани учун бўҳтон қилишибди!

Биз ҳаммамиз мулзам бўлиб қолдик. Ҳар куни хонадонимизда ўзининг турфа хил ранги, туси, иси билан жилоланиб келадиган газета ва журналларнинг бирдан изи ўчди. Отамнинг айтган сўзи чин чиқди. Унинг ўрнига почтачи бўлган одам отамни ёмонлаган ёзувчининг оғайниси эди. Ўшанда илк бор митти қўлчаларим муштга айланди. Икки йил сабр қилдим. Янги почтачининг янги сирлари очилди. У кўпинча газета-журналларни уй эгасини хабардор қилмасдан кўча эшиги олдида ташлаб кетаверарди. Натижада, газетхонлар кўзини шамғалат қилган очофат молларга худо беради: икки ямлаб ютиб қўяди. Ўшанда 7-синфда ўқиб юрган кезларим эди. Илк бор қўлимга қалам олиб, "Сариосиё ҳақиқати" газетасидан ҳақиқат сўрадим. Отамга ноҳақлик қилганларга ҳақиқатни эслатдим. Уларнинг масъулиятсизлигини ошкор қилдим. "Билмасангиз, билиб қўйинг!" номли мақолам газета юзини кўрди. Мақоламни ўқиб, ичига ўт тушган почтачи менинг кимлигимни билмай, роса қидирибди. У ёш боладан бу иш чиқишини хаёлига келтирмаган эмиш. Бирдан номим тилга тушди. Почтальон мен ҳақимда ёмон сўзлар айтибди. Эшитиб, анча вақтгача ундан қочиб юрдим. Сўзнинг залворини, почтачиларга ҳам енгил тутиб бўлмаслигини ўшанда билгандим. Бугун эса ўзим ҳам газеталар оламига шўнғиб ишлаяпман. Тез-тез матбуотларда чиқиш қилиб тураман. Мақолам чоп этилган газета ва журналларни қидиришга тушган чоғимда, болаликдаги почтачи жўрам ёдимга тушади. Почтальон отамнинг ҳар бир нашрни авайлабгина тахлаб, ўқувчига етказишларини эслайман. "Шарқ юлдузи" журналини ташишдан завқланиб, ҳангини йўрғалатиб юрганларим ёдимга тушади...

У кун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мақолам чиққанини эшитиб, газета сотадиган дўконга югурдим. Дўкончи елкасини қисиб деди:

— Сотувга келмаяпти.

Кейин яна бир неча дўконларни қидирдим. Ҳеч ерда йўқ. Охири Миллий театр ёнидаги газета дўконидан топдим. Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур тумани бўйича битта адабиёт газетаси топилмаганига ҳайрон қолдим. Нега шундай? Ҳар бир туманда қанчадан-қанча адабиёт ва санъатга дахлдор кишилар бор. Улар наҳот газета ўқимайди? Адабиёт ўқитувчилари-чи? Ҳеч бўлмаса улар ҳам, юқорида номини тилга олганим саводи йўқ Шаҳрон чавандоздек "илмнинг тафтида исиниш" учун биттагина газета олишса ёмон бўлмасди. Балки бугун матбуот, одамларнинг дилидагини чиқариб беролмаётгандир. Яқинда қишлоғимга бордим. Умри далада кечган дўстим Сафар Ражабовни учратдим. У ҳануз далаларини тарк этмабди. Қишлоқ ҳаётидан завқланиб гапирди. Унинг беғубор дунёсини «Қишлоқ ҳаёти» газетасига ёзмоқчи бўлдим. Ёздим, сўз юрагимдан қуюлиб келди. Мақоламни олиб, газетага чопдим.

Бугунги кун ўқувчисини ҳайратлантириш қийин. Улар бир хилликдан чарчади. Негадир кўпгина нашрлар бир-бирига тақлид қилишяпти. Овози йўқ газета кўпайди. Кўпларининг қамрови паст. Шунинг учун донғи чиқмайди. Ижодкорлар воқеани ҳаётданмас, Интернетдан кўчиришга ўрганди. Ҳеч бир андиша қилмай бировларнинг сўзи остига ўз исмини қўяди. Мақсад «қалам ҳақи» олиши керак. Ҳаёт ўзининг ранг-баранглиги билан кундан-кун жилоланиб бораяпти. Тўқсон билан юзлашган Носирхон ота қирда яратган беҳисоб лалми боғлари томон кўз тикиб, юқорига кўтариляпти. Кимдир Фарҳоддек дарёлар йўлини очиб, сув келтирмоқда. Эски кетмонларнинг ҳузурбахш навоси ниҳолларга жон бағишлаяпти. Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кун заҳматкаш элимиз меҳнати ила ободонлашиб боряпти. Биз ижодкорлар сўзни нондек қадрлайдиган элимизнинг бебаҳо хизматини ифодалайдиган асарлар яратишимиз керак...

– Ука, «Онамизни йиғлатган китоб» номли мақоламни ўқидингми? – дея сўрайман укам Жаббордан.

– Қайси газетада? – дейди у.

– "Китоб дунёси"да.

Укамнинг дами ичига тушиб кетади. Бир зум ўйлаб дейди:

– Ака, "Ҳордиқ"қа ёзинг. Биз томонларга сиз чиқадиган газеталарнинг кўпи келмайди. Қидириб эсимиз кетади. Туманимиз марказида бир жойда "Ҳордиқ" ва "Даракчи" газетаси сотадиган хола бор...

Кўз олдимда беихтиёр болаликдаги қўнғир отли почтачи жўрам намоён бўлади. Унинг хуржунидаги ранг-баранг газета-журналларнинг иси димоғимни қитиқлайди. Отамнинг: "Сен ўзинг ақлли боласан, буни эгаларига авайлабгина етқазгин", дея хуржунимга тўлдириб берган "Шарқ юлдузи" журналининг залворини ҳанузгача унутолмайман. Қани энди ҳар битта қишлоқда биттагина газета дўкони очилсаю, унинг ичи газета-журналлар билан тўлиб турса. Менинг олис қишлоқдаги укам Жаббор мазза қилиб газета ўқиса, унинг савобига нима етсин!

АХТАМҚУЛИ

«МАНГУЛИК КЕМАСИ»

Ҳар бир ижодкор, аввало, ўз Ватани ва халқига, сўнгра бутун коинот ва инсоният тақдирига бефарқ бўлмаслиги лозим. Агар қалам аҳли фақат тор доирадаги изҳорлар билан чекланиб қолса, бу ижод намунаси торлигича қолиб кетиши бор гап.

Уруш олови дунёнинг ҳали у, ҳали бу минтақасига ёйилиб, боғ-роғларни қултепага айлантириб бораётгани, миллионлаб қочоқлар болаларини бағрига маҳкам босганича, бегона юртларда жон ҳовучлаб юргани ўзини тўлақонли инсон деб билувчи бирор-бир кишини бефарқ қолдиролмайди. Айниқса, у ижодкор бўлса. Жаҳон миқёсида олиб қараганда, тинчлик деб аталмиш неъмат, ҳатто тўқчиликдан кўра ҳам муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётгани ажабланарли ҳол эмас.

Носиржон Жўраевнинг тинчликка, унинг беқиёс нафосатига бағишланган достонини ўқиган киши ҳайратга тушмоғи табиий. Бу мўъжаз асар бутун инсониятни огоҳликка, тотувликка чорлаши, осойишта кунларга шукроналик туйғусини мустаҳкамлаши билан долзарб ва қимматлидир.

Шоир Н.Жўраевнинг «Mashhur-press» нашриётида чоп этилган ушбу китобдаги достонлари ва шеърлари ижтимоий уйғоқлик намойиши экани билан ҳам аҳамиятлидир.

«БАХТ ЯРИМ, ҚАЙҒУ ЯРИМ...»

Беккул Эгамқулов публицистик мавзуларда самарали ижод қилиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда дунёга машҳур инсонлар ҳаёти ҳақидаги мақолалари ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда десак, муболаға бўлмайди. Бу мақолаларнинг ўзига хос томони шундаки, уларда оламга машҳур буюк инсонларнинг оилавий ҳаётига, турмушидаги бахтли, қайғули кунларига кўпроқ эътибор қаратилган. Америкалик ўзбеклардан чиққан биринчи миллионер Исоқжон Нарзиқул ҳақидаги "Фаррошдан чиққан миллионер", машҳур футболчи Зайниддин Зидан ҳақидаги "Зиданнинг ушалмаган орзуси", йигирма ёшида жаҳон чемпиони бўлган Валерий Харламов ҳақидаги "Йўлда сўнган юлдуз", фигурали учиш бўйича жаҳон чемпиони Ирина Роднина ҳақидаги "Иринанинг изтироблари", кино оламининг буюк намояндаси Акира Куросава ҳақидаги "Япон киноси императори" номли мақолалари ўқувчи эътиборидан четда қолмайди.

Маълумотларга кўра, ер юзида етти миллиарддан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзига яраша бахтли, ўзига яраша омадсиз. Зеро, бахт ва ташвиш ҳамиша ёнма-ён юриши, ҳеч ким бутунлай бахтли ёки бутунлай бахтсиз бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳолатдир. «Noshirlik yog'dusi» нашриёти томонидан чоп этилган китоб, албатта, ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

А.ҒАФУР

ЁШ ТАРИХЧИЛАР

Халқимиз орасида "Тарихсиз келажак йўқ", деган ҳикматли ибора тез-тез айтилиб турилади. Бу бежиз эмас. Айниқса, бу фикрни ёш авлод онгига сингдирш борасида мактаб ўқувчилари орасида турли танловлар, тадбирлар ўтказилиши айни муддаодир. Бундай тадбирлар ёшларда ватанпарварлик туйғулари юксалтиради ҳамда ҳуқуқий маданиятни шакллантиради.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактабида "Сиз тарихни биласизми?" деб номланган тадбир ўтказилди. Мактабда тарих ва ҳуқуқ доирасида намунавий дарслар ташкил этилганлиги сабабли ўқувчилар иштирокидаги бу тадбир кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Қолаверса, бундай тадбирлар ўқувчиларнинг назарий билимлари янада мустаҳкамлашга хизмат қилади ва уларнинг фанга қизиқишларини кучайтиради.

Мактаб ўқувчилари фаол иштирок этган тадбир якунида ғолибларга турли эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда ПАРПИЕВА,
ўқитувчи

САҲНАДА "АРИСТОКРАТЛАР"

Шу йилнинг 15-16 февраль кунлари пойтахтимизнинг муҳташам "Истиқлол" санъат саройида илк бор катта саҳнада "Аристократлар" жамоасининг шоу-концерт дастури бўлиб ўтди. Дастурга таниқли ижодкор Саъдулла Абдуллаев режиссёрлик қилган.

Шуни айтиш керакки, жамоанинг ўзига хос саҳна кўринишларидан иборат илк дастури мухлисларни хушнуд этди. Тақлид намойишлари, ракс гурухларининг чиқишлари ҳам томошабинларга манзур бўлди. Концерт таниқли санъаткор О.Назарбековнинг "Мендурман ўша" қўшиғига ишланган мардонавор саҳна кўриниши билан якунланди.

Орифжон ДИЛШОД

БИЛДИРИШ

2020 йилнинг 25 февраль сешанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадиий таржима кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

***

2020 йилнинг 27 февраль пайшанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Театр ва кинодраматургия кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

Барча қизиққанларни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани давлат хизматлари маркази томонидан (№652758) 27.11.2018 йили рўйхатга олинган (СТИР 305875481) "MEDIMAX INTERNATIONAL HEALTHCARE" масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Шохида ШОЙМАРДОНОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5042. Буюртма Г - 255.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вакти - 21.00.
Босишга топширилди - 18.40

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60